

63.3 (543)-Б

М 93

САЙИИД МУҲАММАД НОСИР
ИБН МУЗАФФАР

ТАҲҚИҚОТИ АРКИ БУХОРО

БУХОРО АРКИ ҲАҚИДА
ТАДҚИҚОТ



САЙИИД МУҲАММАД НАСИР
ИБН МУЗАФФАР

ТАХКИКАТ-И АРК-И БУХАРА

ИССЛЕДОВАНИЯ
О БУХАРСКОМ АРКЕ

Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предыдущих
выдач _____

T-4, Заг. № 2005

20+

Ушк

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙҲОН
БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ


БУХОРО ДАВЛАТ МЕЪМОРИЙ-БАДИИЙ
МУЗЕЙ-ҚЎРИҚХОНАСИ

САЙЙИД МУҲАММАД НОСИР
ИБН МУЗАФФАР

ТАҲҚИҚОТИ АРКИ БУХОРО

БУХОРО АРКИ ҲАҚИДА
ТАДҚИҚОТ

Форс тилидан таржима, сузбоши, изоҳлар ва курсаткичлар
Ғ.КАРИМОВНИКИ



«ТАФАККУР» нашриёти
Тошкент — 2009

63.3(593)-Б

М 93

Саййид Муҳаммад Носирнинг 1921 йилда форс тилида ёзилган “Тахқиқоти арки Бухоро” (“Бухоро арки ҳақида тадқиқот”) асари ягона қўлёзма нусхада сақланиб қолган. Ўзбекистоннинг энг қадимий меъморий обидаларидан бири бўлган Бухоро арки тарихига бағишланган бу асарда арkning илк бор бунёд этилишидан тортиб, турли асрларда рўй берган сиёсий воқеалар туфайли бир неча бор вайрон бўлиб, сўнгра қайта тикланиши баён қилинган. Айниқса, асардаги аштархонийлар ва маңитлар сулолалари ҳукмронлик қилган йилларда Аркда амалга оширилган қурилишларга доир маълумотлар муҳим аҳамият касб этади.

Асарнинг ўзбек ва рус тилларига таржималари ҳамда нодир қўлёзмаси факсимилесини ўз ичига олган ушбу нашр мутахассислар ва ўлкамизнинг ўтмиш маданияти тарихига қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Дилором Юсупова – тарих фанлари доктори

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-372-56-6

© «ТАФАККУР» нашриёти. 2009 й.

КИРИШ СЎЗИ

Бухоро жаҳоннинг энг қадимий шаҳарларидан биридир. У минг йиллар давомида башариятнинг маънавий ва моддий тамаддуни тараққиётига катта ҳисса қўшди. ЮНЕСКОнинг 1993 йил декабрида “Бухорони умумжаҳон аҳамиятига эга объектлар рўйхатига киритиш ҳақида”ги қарори шаҳар маданий меросининг жаҳон эътирофига сазовор бўлганидан далолат беради. 1997 йилда ЮНЕСКО иштирокида Бухоронинг 2500 йиллиги тантанали равишда нишонланди.

Арк Бухоронинг энг қадимий иморатидир. Абу Наср Қубавий тарафидан Муҳаммад Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асари матнига қўшимчалар тарзида илова қилинган Абулҳасан Нишопурийнинг “Хазойин ул-улум” асари маълумотларига кўра, Бухоро арки Сиевуш томонидан ўз ҳукмронлигидан бирон хотира қолдириш учун бунёд этилган.

Бошқа маълумотларга кўра, мазкур қалъани Афросиёб қурдирган.¹ Бу ривоятлар аркнинг ғоятда қадимийлигидан дарак беради. XX асрнинг 70-80-йилларида аркнинг бир қисмида ўтказилган археологик изланишлар натижасида эрамиздан олдинги IV асрга оид пахсадан қурилган мудофаа иншоотлари қолдиқлари аниқланди. Мазкур қазилма ишлари аркнинг шарқий қисмида кичикроқ ҳажмдаги майдонда ўтказилиб, қалъа девори шимол-жануб йўналишида узунлиги 21 м, кенглиги 3-6 м ва чуқурлиги арк сахнидан ҳисоблаганда, 18 м гача қазиб тадқиқ этилди.² Аркда, айниқса, унинг шарқий қисмида кенг қўламдаги археологик изланишлар ҳақида олиб борилмаган. Қадимшунослар фикрига кўра, айни шу қазув ишлари Бухоронинг ёши ҳақида нисбатан реал маълумотлар тақдим этиб, Наршахийнинг X асрдаёқ Бухоро 3000 ёшда эканлиги ҳақидаги ривоятларга асосланган хабарини инкор қилиши ёки тасдиқлаши мумкин.

Арк қалъаси, қадимшунослар муайян қилганларидек, Зарафшон дарёсининг қадимий ирмоғи Руди зар соҳилида тева-

1 Муҳаммад Наршахий. История Бухары. Ташкент. Типо-Литография т.д. Ф и Г. Каменских. 1897 г. стр. 33.

2 Некрасова Е.Г. К истории сложения стен Арка Бухары (новые археологические данные). Сб.н.статей Бухарского музея-заповедника. Ташкент. «Ўзбекистан» 1990 г. стр.15-26.

рак атроф сатҳидан 8-10 метр баланд бўлган табиий тепаликда бино килинган. Ҳозир ўша дарё ўзани ўрнида куча жойлашган.

Саййид Муҳаммад Носир ибн Музаффарнинг “Бухоро арки ҳақида тадқиқот” (“Таҳқиқоти арки Бухоро”) рисоласи XX асрда аркга бағишланган биринчи махсус асардир. Муаллиф Аштархонийлар ва Манғитлар сулоласига мансуб Бухоро ҳукмдорларининг Арк ва унга туташ ҳудудда қурдирган иморатлари ҳақида маълумот беради. Масалан, наққорахона Абдулазизхон (1645-1680) даврида қурилгани қайд этилган. Кўринишхона, жомеъ масжиди ва меҳмонхона эса Субҳонқулихон (1680-1702), Арkning шимоли-шарқий қисмида жойлашган халифа Али авлодидан бўлган Абдолғози (Баттолғози) макбараси ёнидаги Чилдухтарон масжиди Муҳаммад Раҳимхон (1756-1758) даврида қурилган. Бошқа сақланиб қолган иморатлар XIX асрда бино килинган. Умуман олганда муаллиф, кейинчалик меъморлар томонидан реставрация жараёнида ойдинлашган баъзи ноаникликларни ҳисобга олмаганда, аркдаги иморатларнинг қурилиш санасини, асосан, тўғри қайд этган.

Носир ибн Музаффарнинг шахсияти, насл-насаби ва ижодий фаолияти ҳақида М.С. Андреев ва О.Д. Чехович ўзларининг аркка бағишланган махсус тадқиқотларида баъзи маълумотларни баён қиладилар. Уларга кўра Носир ибн Музаффар амирлик даврида доимий равишда аркдан ташқари чикмай ҳаёт кечирган ва бу ерда унинг ховлиси ҳамда шахсий кутубхонаси бўлган. Муаллифнинг Арабхон исмли ўғли Амир Олимхоннинг қизига уйланган, лекин у ҳам отаси сингари аркдан ташқари чиқиш ҳуқуқига эга бўлмаган. Носирдин тўранинг лақаби “Тўрайи жилов” унинг амирга яқинлигидан далолат беради¹.

Амир Музаффарнинг катта ўғли Абдумалик тўра, иккинчи ўғли Носир тўра, учинчи ўғли Абдулаҳад, тўртинчи ўғли Акрамхон тўра, бешинчи ўғли Сиддикхон тўра² бўлиб, мазкур тўра ҳам 35 йил давомида (1885-1920) уй қамоғида сақланган.

Носир ибн Музаффар, юқорида айтиб ўтганимиздек, ўз ховлиси ва кутубхонасига эга бўлгани туфайли, унда илмий тадқиқотлар олиб бориш имконияти мавжуд бўлган. “Таҳқиқоти арки Бухоро”дан ташқари унинг каламига мансуб «Тухфат уз-зойирин», «Кунуз ул-аткиё» ва «Осор ус-салотин» асарлари

1 Андреев М.С., Чехович О.Д. Арк Бухары. Душанбе, 1972. С. 76

2 Сиддикхон тўранинг таҳаллуси «Ҳишмаг»дир

маълум. Булар барчаси Носир ибн Музаффарнинг юксак илмий салоҳияти, юкори даражада маълумот олгани, қобилияти ва ажойиб шахс эканлигидан далолат беради.

“Таҳқиқоти арки Бухоро”нинг қатор боблари бошка маълум манбалар асосида яратилган бўлса-да, асар Бухоро тарихи ва маданияти билан кизикувчилар учун катта аҳамиятга эга. Бизнинг давргача асарнинг ягона қўлёзма нусхаси сақланиб қолгани учун мутахассислар томонидан бир неча бор уни нашр қилиш зарурати ҳақида фикрлар билдирилган эди. Мазкур китобда “Таҳқиқоти арки Бухоро” факсимилеси ҳамда ўзбек ва рус тилларига таржималари, сўзбоши ва зарур изоҳлар билан биргаликда тақдим этилмоқда. Ўзбек тилига таржима ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими Ғулом Каримов ва рус тилига таржима шу институтнинг катта илмий ходими Санжар Ғуломов тарафидан амалга оширилган. Матнда учрайдиган шахслар, китоблар номлари, топонимлар ҳамда тарихий атамаларнинг умумий кўрсаткичи асар қўлёзмасининг варақларига биноан тузилган.

Шубҳасиз, арк қадимий Бухоронинг рамзларидан бири бўлиб, ҳозирги даврда чуқур ўрганиш лозим бўлган археологик объектлардан биридир. Маҳобатли меъморий ёдгорлик ва Бухоро ҳукмдорларининг қадим замонлардан XX аср бошларигача бўлган даврдаги қароргоҳи сифатида арк минг йиллар давомида ёзма манбаларда тилга олинади. Ҳозирги даврда арк маҳаллий ва хорижий сайёҳлар тарафидан энг кўп зиёрат қилинадиган қадамжолардан биридир.

Бугунги кунда аркнинг қалъа деворларидан тортиб, сақланиб қолган иморатларида кенг қўламдаги реставрация ишлари олиб борилиб, археологик изланишлар давом эттирилиши зарур. Зеро бундай маҳобатли қадимий иншоотлар замонавий шаҳарлар ҳудудларида бармок билан санарлидир: Куддус, Афина, Рим. Бухоронинг халқаро туризм марказларидан бири эканлигини назарда тутганда, ундаги обидаларни ўрганиш, сақлаш ва реставрация қилиш, алаалоқибат, улардан сайёҳлар зиёратгоҳи сифатида фойдаланиш учун маблағлар ажратилишини келажак авлод учун инвестиция деб ҳисоблаш мумкин.

Бу ажойиб қалъа ҳақида атрофлича маълумотларни камраб олган муносиб бир китобни тайёрлаш ва чоп этиш зарура-

ти вужудга келган. Арк ўзининг бутун қиёфаси билан замондошларга Бухоронинг буюк тарихи ва бой маданиятини гўё унсиз тарзда эслатаётгандай. Шундай давр келдики, арк ҳам жаҳоннинг қадимий шаҳарларининг айна обидалари сингари муносиб кўринишга келтирилиб, Бухоройи шариф аҳолиси ва меҳмонларни ўз хусни билан шодлантириши зарур.

*Р.В. Альмеев, тарих
фанлари номзоди, Бухоро
Давлат меъморий-бадий
музей-қўриқхонаси
директори*

*Б.А. Абдуҳалимов, тарих
фанлари доктори, ЎзР Фанлар
академияси Абу Райҳон Беруний
номидаги Шарқшунос-
лик институти директори*

СЎЗБОШИ

Бухоро арки Ўзбекистоннинг энг қадимги тарихий обидаларидан биридир. У ҳақдаги маълумотлар қарийб минг йил давомида яратилган тарихий манбаларда мавжуддир. Бироқ, фақат йигирманчи асрдагина Бухоро арки тарихига бағишланган алоҳида асарлар пайдо бўлди. Шундай асарлардан биринчиси Саййид Муҳаммад Носирнинг 1921 йилда форс тилида ёзилган “Таҳқиқоти арки Бухоро ва салотин ва умаройи у” (“Бухоро арки, унинг султонлари ва амирлари ҳақида тадқиқот”) ёки, муаллиф ўз асарининг бошқа жойида қисқарок тарзда келтирганидек, “Таҳқиқоти арки Бухоро” (“Бухоро арки ҳақида тадқиқот”)дир.

Муаллиф ҳақида маълумотлар кам сақланиб қолган. У Бухоро амири Музаффарнинг (1860-1885) ўғли бўлган. Валиаҳд шахзода бўлмагани учун арқдан ташқарига чиқмасдан яшашга маҳкум эди. Шу сабабли Саййид Муҳаммад укаси Ҳишмат (1862-1927) каби ўзининг асосий вақтини китоблар мутолааси ва турли мазмундаги китоблар битишга бағишлаган.

Саййид Муҳаммад Носирнинг йирик асарларидан бири “Тухфат уз-зоирийн” (“Зиёратчиларга тухфа”) Бухорода тошбосма усулида чоп қилинган¹. Бу асар тадқиқотчилар томонидан илмий ишларга қўп жалб қилинган ва унинг юзасидан диссертация ёқланган². “Тухфат уз-зоирийн”нинг бир қисми рус тилига таржима қилиниб, нашр этилган³. Бундан ташқари Саййид Муҳаммад Носирнинг “Кунуз ул-аткиё” (“Такводорлар хазинаси”) ва “Осор ус-салотин” (“Султонлар ҳақида хабарлар”) асарлари ҳақида маълумотлар мавжуд⁴.

Бухоро Халқ Республикаси тuzилганидан сўнг Саййид Муҳаммад Носир республика ҳукумати томонидан таъсис этилган “Тарих анжумани”га аъзо бўлди. Гарчанд у ўз асарида бу анжуманнинг аъзолари етти киши эканлигини таъкидласа-да, негадир ўзини ҳам ҳисоблаганда олти кишининг номини келтиради.

1 Саййид Муҳаммад Носир. Тухфат уз-зоирийн. Бухоро, 1910.

2 Захидова С.А. XIX аср охири - XX аср бошларида Бухорода шайх маданияти тараққиёти (Носируддин ибн АмирМузаффарнинг “Тухфат уз-зоирийн” асари маълумотлари асосида). Т. 2008

3 Саййид Муҳаммад Носир. Тухфат аз-заирин. Перевод, предисловие, комментарии Х Тураева. Document de travail de l'IFEAC № 2. Ташкент, 2003.

4 СВР I. № 239; СВР «История». № 600.

Мазкур анжуманнинг вазифаларидан бири Бухоро аркига доир тадқиқотлар олиб бориш эди. “Таҳқиқоти арки Бухоро”нинг муқаддимасидан маълум бўлишича, арк ҳақида алоҳида рисола ёзиш Саййид Муҳаммад Носирнинг зиммасига юклатилган.

Рисола 1340 (1921-22) йилда, эҳтимолки, ёзиб тугатилганидан сўнг кўп вақт ўтмасдан китобат қилинган. Асарнинг ҳозирда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланаётган ягона кўлэзма нусхаси ўз вақтида Фитрат фармойишига кўра Бухоро Марказий Кутубхонасига топширилиб, тахмин қилиш мумкинки, унинг тарих бўлимидан ўрин олган. Бироқ, негадир А.А.Семёновнинг Бухоро Марказий Кутубхонасининг тарих бўлимидаги асарларга бағишланган каталогда¹ мазкур асар тавсифи учрамайди. Шуни назарда тутиш керакки, А.А.Семёновнинг ўзи каталог сўзбошисида таъкидлаганидек, у П.П.Иванов мазкур кутубхонадаги фикрист асосида тайёрлаган ва тарих бўлимидаги жами асарларнинг номларини ўз ичига олган рўйхатдан фойдаланган. Шунингдек, у П.П.Иванов рўйхатида 88 ва 103-рақамлар мавжуд бўлмаганини маълум қилади². Балки, Саййид Муҳаммад Носирнинг рисоласи ушбу рақамлардан бирида бўлгандир.

Кўлэзманинг тавсифи илк бор В.В. Бартольднинг «Заятия в Туркестанских библиотеках и музеях летом 1925 г.» мақоласида келтирилган³. Шуниси борки, В.В.Бартольд мазкур рисолани кутубхонанинг тарих бўлимидаги бошқа асарлар билан бирга ўз ишига жалб қилар экан, унинг тартиб рақамини кўрсатмаган.

Кўлэзма тавсифи шунингдек, Ч.Сторининг китобида⁴ ва ЎЗРФА Шарқшунослик институти чоп этган каталогларда мавжуд⁵.

“Таҳқиқоти арки Бухоро” маълумотлари баъзи илмий тадқиқотлар, жумладан, М.С.Андреев ва О.Д.Чеховичнинг Бухоро аркига бағишланган китобига жалб қилинган⁶.

1 Семенов А.А. Каталог рукописей Исторического отдела Бухарской Центральной Библиотеки. Т., 1925.

2 Ўша жойда. Б. 2.

3 Бартольд В.В. Заятия в Туркестанских библиотеках и музеях летом 1925 г. Известия Академия наук СССР. 1926. С. 234-236. Жайга наشري: Бартольд В.В. Сочинения. Т. VIII. М., 1973. С. 445-461 (“Таҳқиқоти арки Бухоро” кўлэзмаси тавсифи 459-461 бетларда).

4 Стори Ч.А. Персидская литература. Био-библиографический обзор. Переработан и дополнен Ю.Э.Брегель. Т. II. М., 1972. С. 1179.

5 СВР XI, № 6997; СВР «История», № 620.

6 Андреев М.С., Чехович О.Д. Арк Бухары. Душанбе, 1972.

Кўлэзма 42 варақдан иборат бўлиб, Кўкон коғозига қора сиёҳ билан настаълиқ хатида битилган. Асарнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, муаллиф унда ўша даврда Марказий Осиёда кўчирилган араб ёзувидаги кўлэзмаларга хос бўлмаган тилиш белгиларини ишлатишга ҳаракат қилган. У, асосан, жумлалар охирига нуқта қўйган. Баъзан эса, киши номлари саногида ҳам вергул ўрнига нуқтадан фойдаланган¹.

Асар номи, сарлавҳалар ёки уларнинг биринчи сўзи, шунингдек, *ал-қисса*, *шеър* каби кириш сўзлар қизил сиёҳ билан ёзилган. 41⁶ -варақ хошиясида номаълум шахс тарафидан қизил қалам билан Саййид Абдол Ғозий номининг халқ тилидаги шакли хусусида ушбу қайд ёзилган: «дар забони халқ *Баттол Ғозий*».

Китоб муқоваси турк усулидаги тошбосма нашрларники каби тўқ яшил рангли дермантиндан бўлиб, унга уйма нақшлар ишланган. Барча варақларда пойгирлар мавжуд. Ҳар бир саҳифа матни 11 сатрдан иборат. Котиб номаълум.

Саййид Муҳаммад Носир бир неча йиллар мобайнида арқда яшагани туфайли унинг асарида арқдаги қурилишлар ва 20 аср бошларидаги ўзгаришлар ҳақида кўплаб маълумотлар бўлишини кутиш мумкин эди. Бироқ, рисоланинг асосий қисми компиляция бўлиб, турли манбалар асосида ёзилган. Бундан қатъий назар, ушбу асар муайян бир иншоот тарихига бағишлангани билан ҳам диққатга сазовордир. Асарнинг аштархоний ва мангитлар сулоаларига мансуб ҳукмдорлар амалга оширган қурилишлар ҳақида маълумот келтирилган сўнгги қисмлари, айниқса, қимматлидир.

Асардаги айрим ноқислик ва чалкашликларни ҳам қайд этиш зарур. Масалан, матнда айрим шахс номлари бузилган тарзда келтирилган (Қоражури ўрнига Қоражуин; Бидун ўрнига Бандун; Ялавоч ўрнига Балвож ёки Явож ва хоказо). Айрим саналар нотўғри кўрсатилган. Масалан, халифа Муътаמיד томонидан сомоний Наср ибн Аҳмадга ёрлик юборилиши санаси олтмиш йил фарқ билан келтирилган (261 ўрнига 201 йил). Ёки Хуросон амири Асад ибн Абдуллоҳнинг ўлими санаси қирқ олти йил фарқ билан кўрсатилган (120 ўрнига 166 йил). Матнда қуйидаги хато ҳам кўзга ташланади: 17^а варақдаги “Тағшода ибн Бухорхудотнинг қатл этилиши зикри” сарлавҳасида “бинни” (ўғли) ўрнига “бинти” (қизи) сўзи ёзилган. Назаримизда

1 23^а варақка қаранг

бу янглишувнинг сабаби “тойи марбута” билан тугайдиган Тағшода исми араб тили нуктаи назаридан шаклан муаннасдир. Бирок Тағшоданинг эр жинсига мансублиги маълумдир. Биз асарнинг факат ягона нусхасига эга бўлганимиз учун хато ва чалкашликларга аслида ким: муаллиф ёки кўчирувчи тарафидан йўл кўйилганини аниклаш жуда мушкул.

Кўлёмзада турли кутубхоналарнинг бир канча мухрлари мавжуд: Бухоро халк маориф назоратининг марказий кироатхонаси (1^а, 42^б варақлар); Зарафшон вилоят маориф шўъбасининг марказий кироатхонаси (1^а, 2^а, 10^а, 21^а варақлар); Самарқанд шаҳридаги Ўзбек Давлат илмий тадқиқот институти кутубхонаси (1^а, 9^а варақлар); Ўзбекистон Давлат умумий кутубхонасининг кўлёмзалар бўлими (1^а варақ). Булардан келиб чиккан холда кўлёмзанинг “сафар”ини кузатиш мумкин.

Муаллиф таянган ва иқтибослар келтирган манбалар ҳақида тўхталиб ўтиш жоиздир. Шуниси аёнки, у Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахийнинг “Тарихи Наршахий” асаридан кенг фойдаланган. Бухоронинг жуғрофий жойлашишини тавсифлаганда, муаллиф Ёкут ал-Ҳамавий (1179-1229)нинг “Муъжам ул-булдон” (“Мамлакатлар дугати”) ва Султон Муҳаммад ибн Дарвиш Муҳаммад ал-Муфтий ал-Балхийнинг 1575 йилда ёзилган “Мажмаъ ул-ғаройиб” (“Ғаройиботлар тўплами”)га таянган. Шунингдек, тарихчи ва географ Ҳофизи Абру (1361-1430)нинг асари ҳамда муаллифи кайд этилмаган “Тарихи Жаҳонгирий” асари тилга олинади. Эҳтимол, бу ўринда Хожа Алоуддин Атомалик ал-Жувайний (1226-1281/82)нинг “Тарихи Жаҳонгушой” асари ҳақида сўз бораётгандир.

“Таҳқиқоти арки Бухоро” асари кўлёмза ҳолида бўлса ҳам доимо Бухоро тарихи ва маданияти билан шугулланувчи турли мутахассислар: археологлар, манбашунослар, санъатшунослар, архитекторлар ва бошқаларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келган. Бирок, асар ягона нусхада сақланиб қолгани фойдаланувчилар оммаси учун муайян кийинчиликлар туғдирар эди. Шундан келиб чиккан холда кўлёмзанинг факсимиле нусхасини матннинг ўзбекча ва русча таржималари билан биргаликда нашр этишга қарор қилинди.

Ғ.Каримов, С.Ғуломов

Саййид Муҳаммад Носир б. Музаффар

ТАҲҚИҚОТИ АРКИ БУХОРО

(Бухоро арки ҳақида тадқиқот)

(1⁶) Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм!

Беқиёс шукурлар ул ҳақиқий подшоҳнинг даргоҳига бўлсинким, Унинг мамлакати завол зараридан фориғ ва салтанати беқарорлик зарбасидан эминдир. Замиин ва осмоннинг сулим фазоси У яратиб инъом этган борлиқнинг бир гӯшаси, жами ошқор ва пинҳон яратиклар Унинг ихтиролар оламидан бир қитъадир. У шундай соҳибтадбирки, олам интизоми ва бани одам (ҳаёт) низомини (2^а) адолатпарвар подшоҳлар ақли кумаги ва одил шахриёрлар адолати мададига боғлиқ ва тааллуқли қилиб ўрнатди. У қазо ва қадар эгасидирки, муҳаббат робитаси ва дӯстлик қоидаси, беҳбудлик тантанаси ва бирикув дабдабасини коинот аҳли ва турфа офаридалар аро ёйди. Чексиз саломлар ул мақтовли мақом соҳибига, умуман ва хусусан, савоб йўлларининг солиқлари ҳамда солих тариқатларнинг раҳнамолари бўлган анбиё ва пайғамбарлар жамоасининг руҳи покларига <уларнинг барчасига ва оилаларига ва саҳобаларига Аллоҳнинг салавотлари ёғилсин ва Ҳақ таоло улардан рози бўлсин!>.

Энди келсак сўзнинг баёнига, басират аҳлининг валийлик нурларидан баҳраманд ва ҳикмат шуъласидан ёришган кўнгилларига махфий ва яширин эмаски, (2^б) илоҳий оламнинг кўзгуси бўлган бу моддий оламда адолатдан яхшироқ нарса йўқдир. Шунинг учун, олам бунёди шарият асосига ўрнатилиб, салтанат ва ҳукумат унинг посбонлигига масъул этилди. Мустафо шариятини қаттиқ ушлаган ва Пайғамбар аҳкомига мувофиқ иш юритган соҳибдавлат икки дунё саодати тўпиши илиб олади.¹ Шариятни ўз салтанатига тобе қилган кимса эса, ўз бахти юзига завол ва бадбахтлик эшигини очади. Чуновчи, бу рисола, яъни «Таҳқиқоти арки Бухоро ва салотин ва умаройи у» (“Бухоро арки ҳамда унинг султон ва амирлари ҳақида тадқиқот”)² дан қуёшдан ҳам ёрқинроқ маълум бўлади.

Ҳозирги ҳукумат фармонига мувофиқ, жумҳурият шўроси томонидан биз – етти нафар³ кишини, яъни Ҳожи Мулло Абдурауф афанди “Фитрат”⁴, Саййид Муҳаммад Сиддик⁵, жаноб кози ул-қуззот, олам аҳли муллозодаси (3^а) домулло Муҳаммад

Шариф Зиё⁶, Мулло Салимбек⁷, жаноб Ҳожи Мулло Саййид Махмуд муфтий ва бу фозиллар хизматкори Саййид Муҳаммад Носир “Анжумани тарих” (“Тарих анжумани”) аъзолари сифатида ҳар кун арки олийга бориш ва унинг ободлигию вайроналиклари сабаблари борасида олий мадрасада тадқиқотлар ўтказишга тайинланган эдик.

Алҳамдулиллоҳ, (масалани) назардан ўтказиш ва кенгашувдан сўнг кўп нуқсонлар эгаси бўлган бу ожиз банда, яъни Мир Муҳаммад Носир ибн Музаффархон <кабри нурга тўлсин!> ушбу азизлар кўмаги ҳамда Аллоҳ таоло мадади ва Ҳақ субҳонаҳу ўз фазли ва карами билан муваффақ этиши тўғриси (тегишли маълумотларни) бир мухтасар ва мўъжаз рисолага тўплаб, у “Бухоро арки ҳақида таҳқиқот” деб номланди.

Арз шуки, заковатли фозилларнинг равшан дилларига аён бўлсинки, биз – “Тарих анжумани” аъзолари Бухоро аркининг қачон (3⁶) обод ва қай вақт хароб бўлганини баён этишга масъулмиз ва бу ўринда шуни маълум қиламизки, агар баён кенгайтирилса; сўз жуда чузилиб кетади, агар жуда қисқа тарзда айтилса, сўз тушунарли ва мавзу аён бўлмайди. Бинобарин, <ишларнинг яхшиси – ўртачасидир> маталига амал қилиб, сўзамолликни муфассал тарих китобларига хос деб билдик-да, даврон ходисалари ва замон ўтиши сабабли рўй берган арқдаги ўзгаришлар, унинг вайрон бўлиши ва қайта тикланишларини арабий ва форсий тарих китобларидан қўлга киритиб, бу рисолаи ёзмокка бошладик. Аллоҳ таолодан бу ишни охирига етказиш ва ҳурматли ҳокимлар назарига манзур қилишини сўраймиз.

Шуниси борки, дарахтнинг асоси илдизидан бошланганидек, бу ўринда Бухоро шаҳрининг бунёд этилишидан бир шингил сўзлаймиз. Бу фахрли ва Тангри паноҳидаги шаҳарнинг бунёдкори (4⁹) Афросиёб ибн Пашанг ибн Турдир. Ўз бобосидан кейин Туронзамин подшоҳи бўлиб, ниҳоятда буюк эди. Чунончи, у қурдирган шаҳар истехкоми деворининг қалинлигини йигирма бир фарсах⁸ миқдоридаги сақланиб қолган қисмидан қиёс қилиб билса бўлади. Унинг салтанати тахтгоҳи Ромитанда⁹ эди. Афросиёб ҳар гал Бухоро вилоятига келганида, шу мавзедан бошқа жойни қароргоҳ қилмас эди.

Бухоро Мовароуннаҳрнинг энг катта шаҳарларидан бири. Бухоро ва Жайхун¹⁰ оралиғи икки кунлик йўлдир. Сомоний султонларнинг¹¹ салтанати маркази ва истикомат қилган жойлари мана шу арқдир. «Мўъжам ул-булдон» (“Мамлакатлар луғати”)

да¹² ёзилишича, Битлимус¹³ ҳакимнинг “Малҳама”¹⁴ номли китобида айтган сўзига кўра, Бухоронинг узунлиги Жазоир Холдотдан¹⁵ 97 даража ва эни хатти устуводан¹⁶ 9 даража ва 50 дақиқа бўлиб, бешинчи иқлим шаҳарларидан ҳисобланади.

(4⁶) Бухоро шаҳрининг толеъи, яъни Бухоронинг илк бор бино қилиниши Саратон буржининг 21-даражасидан Асад буржининг 10-даражасигача бўлиб, “Қалб ул-асад” Бухоронинг толеъидадир. Бухоро шаҳри толеидан еттинчи ватад¹⁷ Жадий буржининг 21-даражасидир. Унинчи толеъдаги подшоҳ уйи Миррих хонаси ва Қуёш яқинидаги толеъга тўғри келади. Оқибат уйи бўлган тўртинчи хона Мезон буржининг 21-даражасига тўғри келади.

“Сувар ал-ақолим” (“Иқлимлар сувратлари”)¹⁸ асарида (муаллиф) ёзадики: “Мен Мовароуннаҳр шаҳарлари орасида ёқимлилиги ва таровати жиҳатидан Бухородан яхшироқ шаҳарни, рости, кўрмадим ва бирор кишидан ҳам Мовароуннаҳр заминида шундай шаҳар борлигини эшитмадим.” Зероки, ҳар бир баланд жойга чиқиб кузатсанг, Бухоро заминидаги олий касрлар ё баланд тепаликлар, қирлар ё юксак тоғлардан сайр ёки сафар юзасидан ўтсанг, (5^a) баландликлар ёки Бухоро аркига кўтарилсанг, барча манзаралар орасида саҳроларга баҳмал гилам каби тўшалган яшил ва зумрад гиёҳларнинг баравжлиги ва тароватидан бошқаси кўзингга ташланмайди. Бутун фазо ва дашт камоли сарсабзликдан бихиштлар ва фирдавслардан нишон беради. Анварий¹⁹ яхши шеър айтган:

*Чаман, магар Саратон шудки, шохи настаринаш
Тулуъ дод ба як шаб ҳазор шеъроро.
(Саратон²⁰ келдимикан, чамандаги настарин шохи
Бир кечада минглаб гуллардан шеър битди).*

То кўз илғагунга қадар дарахтлар ва яшил гиламларнинг жўшу таровати ва рангу бўйлари намоёндыр. Бухоро замини осмоннинг ложувард гумбази ва нилуфар чархга мағрурона боқиб, уларга тенглик даъвосини қилади. Дехконларнинг ниҳоятда серғайратлигидан Бухоро экинзорларининг яшнаши ва ободонлигининг барқарорлиги кўнгиллар саҳифаларида таъриф тавсиф қилинган. Бешинчи иқлим ҳудуди. (5^b) бутун Мовароуннаҳр ва Хуросонда халқининг зироат ва иморатга машғуллиги жиҳатидан Бухородан яхшироқ шаҳар йўқ. Хуросон

ва Мовароуннаҳрдаги бошқа шаҳарлар экинзорларининг кенглиги Бухороники билан тенглаша олмайди. Иморат қуришдаги серғайратлик ҳамда зироат ва боғдорчилик соҳасидаги омилкорлик Бухоро аҳолисига хосдир.

БУХОРОНИНГ НОМЛАРИ ЗИКРИ

Аҳмад ибн Муҳаммад айтадики, Бухоронинг номлари кўпдир. У ўз китобида Нумижкент²¹ ва Кумушкент деган номларни келтиради. Арабча аталиши Мадинат ас-суфрия, яъни Мис шаҳар, яна бир номи Мадинат ат-тужжор, яъни Савдогарлар шаҳри. Бухоро бу номлар орасида энг машҳуридир. Бунинг маъноси ўша замон тилида илм оро, хитой ва уйғур тилларида бутлар мавзесидир. Ҳадиси шарифда Бухоро номи Фоҳира тарзида келтирилган. (6*) Хожа имом, зоҳид, воиз Муҳаммад ибн Али ан-Нухободий ҳазрат Салмони Форсий²² разийаллоҳу анҳудан ушбу ҳадисни келтиради: “Расул ал-файҳис салавот вас салом дедиларки, Жаброил алайҳис салом хабар бердики, Машриқ заминида бир буқъа борки, уни Хуросон деб атайдилар. Ушбу Хуросон шаҳарларидан учтасини қиёмат кунида ёқут ва маржон билан безайдилар ва улардан нур таралиб туради. Бу шаҳарлардан бирини арабчада “Қосимия”, форсчада “Яшкар”, иккинчисини арабчада “Самарон”, форсчада “Самарқанд”, учинчисини арабчада “Фоҳира”, форсчада “Бухоро” деб атайдилар”. Расул саллаллоҳу алайҳи ва саллам деди: Эй Жаброил, нега Бухорони “Фоҳира”, яъни фахрли дейишади? У жавоб берди: Шу сабабданки, қиёмат кунида Бухоро барча шаҳарлардан шаҳидларининг кўплиги билан фахр қилади. Ҳазрат Расул саллаллоҳу алайҳи ва саллам деди: (6^б) Илоҳи, Фоҳирага баракат бергин, (одамларининг) қалблари ва амалларини тақво билан поклагин ҳамда менинг умматларимга раҳмли қилгин!” Ушбу дуонинг шарофати туфайли бухороликларнинг раҳмдиллигига Машрику Мағриб аҳли гувоҳлик беришади. Уларнинг эътиқоди ва поклиги хусусида “Кашшоф”²³ муаллифининг “Рабиъ ал-аброр” (“Солиҳлар баҳори”) асарида бу ҳадис қуйидаги тарзда келтирилади: “Илоҳи, Фоҳира ва унинг аҳолисига баракат бергин, қалбларини тақво билан поклагин ҳамда менинг умматларимга раҳмли қилгин!”²⁴

БУХОРОНИНГ ИБТИДОСИ ЗИКРИ

Ҳозирги кунда Бухоро жойлашган мавзе қул бўлиб, баъзи жойларида камишзор ва дарахтзорлар бўлган. Туркистон халки бу ерга ов учун жуда кўп келишган ва (7^а) оқибатда уни маскан сифатида танлашган. Улар Абруй деган кишини ўзларига амир қилишди. У даврда шох турадиган жой Байканд²⁵ эди. Кейинчалик (Абруй) зулм йўлини тутгач, бой-бадавлат кишилар бу ердан кўчиб кетишди. Камбағаллар оғир ҳаётга чидай олмай, кўчиб кетганларга мактуб юбориб, ёрдам сўраб ёлвордилар. Улар номи Карожуйин²⁶ ва лакаби Байғу²⁷ бўлган Туркистон подшоҳи олдига боришди. У Шери Кишвар²⁸ исми ўғлини катта лашкар билан юборди. У жангдан сўнг Абруйни Байкандда қўлга тушириб, қатл қилди. Бухоро унга ёқиб қолди ва отасидан ушбу вилоятни сўради. Хон унга вилоятни берди. Зулмдан қочиб кетганлар ўз ватанларига қайтишди. Мазкур Шери Кишвар Бухоро шаҳрини бино этди ва йигирма йил подшоҳлик қилди. Бинобарин, ушбу шаҳар бинокори ва Бухоро бунёдкори Шери Кишвар бўлгани ҳақида хабарлар тарқалди.

(7^б) СИЁВУШНИНГ МУСОФИРАТИ ЗИКРИ

Бу уринда Сиёвушнинг ахволи ҳақида бир мунча ёзиб утилади. Маълум бўлсинки, Кайковус²⁹ Яман подшоҳининг кизи Судобага уйланганида, унинг бошқа хотинидан Сиёвуш номли бир ўғли бўлиб, гўзаллик ва малоҳатда аср яғонаси эди. У Рустамнинг³⁰ тарбияси билан парвариш топарди Вояга етгач, Рустамнинг тарбияси туфайли тенгқурларидан ўзиб кетди. Жанговарлик ва мажлис одоби бобида олий мартабага эришди. Унинг гўзаллиги таърифи бутун оламга ёйилди. Кайковус ўз фарзанди билан мулоқот қилиш иштиёқида бекарор бўлди ва уни қақариш учун учқур чопарлар жўнатди. Рустам эъзозу эҳтиром билан шаҳзодани отаси олдига юборди. Отаси ҳузурига етгач, Кайковус унинг одобидан завқланиб, эҳтиром назари билан боқди. (8^а) Шаҳзоданинг қомати мутаносиблиги Судобага маълум бўлган, у билан яқиндан суҳбатлашиш истаги вужудини камраб олди. Подшоҳдан фарзандининг дийдорини кўришни сўради. Соддадил подшоҳ шаҳзодага дедикки, ҳарам аҳли сенинг дийдорингга муштокдир. Ҳарамга бор, ўғлим. Сиёвуш ноилж ичкарига кирди. Судоба биринчи суҳбатдаёқ имо-ишора билан ўз мақсадини

англатди. Шаҳзода покфёълиги туфайли ибo билан узр айтиб, суҳбатда ўзини ҳаёли тутди. Судоба ноумид бўлгач, уни отасига хиёнаткорликда айблади. Кайковус бу масалада иккиланиб қолди. Хотирига иккисидан қай бири гуноҳкор экан, деган шубҳалар оралади. Ниҳоят, катта гулхан ёқиб, иккисига ҳам ўтга киришни буюрди. Зеро, ўша замонда (8⁶) оташпарастрлар одатича олов ҳақ ва ботилни ажратувчи эди. Судоба рози бўлмади. Шаҳзода самандар янглиг алангали оташдан саломат ўтди. Кайковус ҳақиқатнинг тагига етгач, Судобани қатлга ҳукм қилди. Бирок, Сиёвуш шафоат тилагач, унинг конидан кечди. Шу замонда Афросиёб саноксиз лашкар билан Балхга³¹ келган эди. Шаҳзода отасидан жангга руҳсат сўраб, катта қўшин билан Нимрўз вилоятига Рустамнинг ҳузурига борди ва у билан бирга душман устига юрди. Аммо, Афросиёб кўрқинчли туш кўриб, жангдан бош тортди ва Бухоро шаҳрига қайтди. У сулҳ истаб, Гаршиваз исмли кишидан мактуб жўнатди. Шаҳзода ҳам бир неча шартлар қўйиб ва юз нафар кишини (душмандан) гаров тариқасида олиб, сулҳ тўвди ва бу воқеа ҳақида отасига (9¹) ёзиб юборди. Кайковусга бу иш маъқул бўлмай, Тус ва Нударзни элчи қилиб, ушбу фармонни жўнатди: “Охири, сен Афросиёбнинг макру ҳийласи домига тушибсан. Афросиёб сенга топширган юз нафарни бу тарафга жўнатиб, унинг тухфа ва ҳадяларини рад эт. Сўнгра Туронга лашкар тортиб, у диёрда бирон тирик жон қолдирмагин. Агар бу вазифани уддалай олмасанг, ковиёний байрок³², ҳазина ва сипоҳни Тус ва Нударзга топшириб, ўзинг бизнинг олдимизга кел!” Рустам ва Сиёвуш Кайковуснинг дарғазаблигидан воқиф бўлдилар. Рустам азбаройи хафа бўлганидан Зобулистонга³³ кетиб қолди. Сиёвуш деди: “Мен аҳду паймонни бузишни жоиз деб билмайман, менинг наздимда илохий фармон подшоҳ ҳукмидан баландроқдир”. У дарҳол мазкур юз кишини эъзозу эҳтиром билан Афросиёб ҳузурига жўнатиб, сипоҳни (9⁶) Тусга топширди. Ўзи мулозимлари билан Туронга жўнаб, Афросиёб давлатининг улуг арбобларидан бўлмиш Пирони Виса ҳамроҳлигида шох даргоҳига борди. Афросиёб унинг истиқболига чиқиб, мажлисда иккита тахт ҳозирлашни буюрди. Бирисига ўзи ўтириб, иккинчи тахтга шаҳзодани ўтирғизди. Эрон шаҳзодасининг қадамига эҳтиром юзасидан катта байрам ва шоҳона базм уюштирди. Унга маош ва вазифалар тайинланиб, мартабаси кун сайин оша борди. Унинг мақоми меҳмонликдан куёвликка кўтарилди. Турклар саркардаси ўз қизи Фарангисни унга берди. Сиёвушнинг

мартабаси шу даражага етдики, Афросиёбнинг биродарлари ва якинлари унга хасад килиб, иғво ва фитна турини тўқий бошладилар. Ҳофизи Абрӯ³⁴ тарихида ёзилганки, (10^а) Сиёвушнинг истикоматгоҳи Афросиёб қароргоҳидан олисда эди. Сиёвуш у ерда бир шахристон қуриб, подшоҳона бинолар қурдирган эди. Бу вақтда Афросиёбнинг пойтахти Ромитанда эди. Сиёвуш осуда ҳаёт кечирар, лекин билардики, бу марҳамат узок давом этмайди. У ўзидан Бухорода из қолдиришни истаб, ёдгорлик сифатида Бухоро аркини бунёд қилди. У аксар вақт шу ерда яшарди. Ҳасадгўйлар у ва Афросиёб ўртасида фитна қўзғатгач, Афросиёб ўз укаси Гаршивазни ушбу фармон билан жўнатди: “Бориб, айби исботлангач, уни қатл эт”. Лекин Гаршиваз, ғоятда қучли адовати туфайли, етиб келиши биланок. Сиёвушни ўз олдига чақирди. Сиёвуш ҳам ўша кечаси ўзининг қатл қилинишини туш қўрган эди. Хотини билан видолашиб, деди: “Мени (10^б) ўлдириш учун чақиришмоқда. Боришим билан ҳаётдан қўз юммогим тайин. Бироқ, сен хомиладорсан ва мен Худо бир ўғил ато этишидан умидворман. Золим қотилдан мен бегуноҳнинг ҳунини у олажақдир”. Шундан сўнг хайрлашиб, ташқари чиқди. Гаршиваз билан кўришганида, у золим қилмаган гуноҳларини санаб, дарҳол бошини кесди. Уни ушбу ҳисордаги ўша машҳур³⁵ мавзегга дафн этишди. Фирдавсий ўз “Шохнома”сида Афросиёб Сиёвушни ўз хузурида қатл этганини айтади. Чунончи, унинг тасвиридан бу маълум. Шеър:

*Шоҳи туркон сухани муддаъиён мешунуд,
Шармаш аз мазлимаи хуни Сиёвуш бодо.
(Турклар шоҳи душманлар сўзига қўлок солди,
Сиёвуш хунини талаб қилишганда у шармисор бўлсин).*

У замонда Бухоро муғлари³⁶ шу сабабди бу ерни азиз тутганлар. Ҳар йили Наврўз кuni ҳар бир киши бу ерга хўроз (11^а) келтириб, қуёш чиқишидан олдин сўйишган. Бухоро халқи Сиёвуш ўлимига марсиялар айтишган. Чунончи, барча вилоятларда машҳур бўлиб, мутриблар қуйга солиб айтишган. Ҳофизлар уни “муғлар йиғиси” деб аташади. Хуллас, мазкур ривоятга қўра, бу хисорни Сиёвуш бино қилган.

Алқисса, Сиёвушнинг қатл этилгани хабари Эрон вилоятларига ва Сейистондаги³⁷ Рустами достонга³⁸ етгач, у ёқасини йиртиб, ўз қўшини билан Кайковус хизматига борди. У аввало

ҳарамга кириб, Судобани ташкарига судраб чиқариб, қатл этди. Шундан сўнг Кайковус ҳузурига бориб, таъзия билдирди. Кайковус азиз фарзандига қаттиқ мотам тутгач. Рустам сўраганича унга лашкар ва қуро-яроғ берди. Рустам қовиён байроқ ва беадад лашкар билан (11⁶) Туркистон сари отланиб, Жайхундан кечиб ўтди. Афросиёб ундан мағлуб бўлиб қочди ва Гаршиваз қўлга тушиб, қасос тигига дучор бўлди.

Муаррихлардан бир тоифасининг ёзишича, Рустам шарқий ўлкаларга отлангач, Афросиёб ўзининг Шеда номли ўғлини юз минг киши билан жангга юборди. Улар юзма-юз келишгач, даҳшатли жанг содир бўлди ва жуда кўп одам қатл этилди. Ўша муҳорабада Кайковуснинг (ўғли) Фарибурз Шедага ҳамла қилиб, уни эгардан юлиб, ерга отди ва унинг бўйни синди. Бу ҳусусда турли баёнлар мавжуд. Агар ҳаммаси ёзилса, сўз чўзилиб кетади. Шу сабабли, биз муътадил йўл тутдик. Яна келтириладики, Рустам Афросиёбнинг тахтгоҳини забт этиб, унинг хазина ва дафиналарини тасарруф қилганида Бухоро вилояти ва бошқа жойлар (12¹) қатлу қоратга учраб, вайрон бўлди. Рустам харчанд жосус ва айқоччиларни жўнатмасин, Фарангис ва Кайхисравдан бирон нишон топишолмади. Чунки, турклар шоҳи уларни Туркистон мамлакатининг узок чеккасига жўнатган эди. Рустам зафар билан Эрон сари қайтди. Кайковус унга хурмат-эҳтиром кўрсатиб, ўз олдидаги заррин курсига ўтирғизди ва бисёр лутфу марҳаматлар кўрсатди. Сўнгра унга Нимрўз вилоятига кетишга рухсат берди. Хабар берувчиларнинг баъзилари айтишларича, Эрон шоҳи кўрган тушига биноан Гев ибн Гўдарз Исфаҳонийни яққа ҳолда Кайхисравни излаб топиш учун Туронга жўнатди. Гев етти йил муддат мобайнида уни топиш учун харчанд уринмасин, мақсадга етолмади. Ниҳоят, у Кайхисравни бир даштда овга машғул эканида кўриб қолди. У фаросат билан шаҳзодани таниди ва (12⁶) қаёнийлар тахтига лойик (шаҳзода) ҳам ички сезги билан Гевни таниди. Ҳар икки тараф бир-бирига мулозамат кўрсатишди. Иккиси Фарангиснинг олдига бориб, биргаликда чакмоқ ва шамолдан ҳаракат суръатини қарз олиб, мақсад томон отланишга қарор қилишди. Ривоят қилишларича, Сиёвушнинг бир оти бўлиб, у қатл этилган қуни ғойиб бўлган ва то шу қунгача ҳеч кимнинг қўлига тушмаган экан. Кайхисрав ва Гев отни излаб юриб, уни бир йилки орасида кўриб қолишди. Кайхисрав унинг олдига борганида, от тўхтади ва шаҳзода унга эгар ва жилов уриб, миниб олди. Биргаликда Фарангис олдига

боришди ва уни олиб, тез суръат билан Эрон сари шошилдилар. Дарё соҳилига етиб келганда, кема ва маллоҳлардан нишон топишолмади. Шахзода деди: “Агар Худо нигоҳбон бўлса, кемачига на хожат?” (13^а) Худонинг инояти туфайли учаласи ҳам дарёдан саломат кечиб ўтиб, Эрон тарафга йўл олдилар. Эрон шоҳи шахзода етиб келганидан вокиф бўлгач, барча аён ва улўғларни истикболга жунатди. Ул салтанат тожининг дури улўғ тождор бобосининг хизматига етгач, шоҳ унинг чехрасига шодон бокиб, гўёки Сиёвуш тирилиб келганини тасаввур килди. Шундан сўнг шоҳона тахт унинг ҳумоюн вужуди билан безатилиб, Эронзаминнинг вазирлик ва лашкарбошилик мартабаси Гевга топширилди. Бир оз муддатдан сўнг Кайхисрав отасининг хунини олиш учун Турон тарафга лашкар тортди. Афросиёб ҳам саноксиз кўшин билан унга карши чиқди ва уч кечаю кундуз шиддатли жанг бўлиб, турк сипоҳидан юз минги ўлдирилди. Ушбу жангда Гаршиваз асир тушди ва (13^б) Афросиёбнинг вазири Пирони Виса халок бўлди. Кайхисрав Гударз байроғи остида Пирони Висани ўлдирилган ҳолда кўргач, йиғлаб юборди ва унинг жасадини гулобда ювиб, кимматбаҳо матоларга ўраб, муносиб бир мавзеда дафн қилишни буюрди. Гев туғи остида Гаршивазни бойланган ва йикитган ҳолда кўргач, одан тушиб, ўзи унинг бошини танидан жудо қилди. Афросиёб кочиб кетди, бироқ оқибатда у ҳам Кайхисрав лашкарлари қўлига тушди. Уч кундан сўнг у қатлга ҳукм этилди. Бошқа бир ривоятга кўра, ўз бобосини кўрган Кайхисрав йиғлай бошлаган ва Гударз: “Мабодо, Афросиёб жонини саломат сақлаб қолса”, деган хаёдан чўчиб, шоҳнинг руҳсатисиз унинг турурга тўлган бошини қақраган тупрокка отган. Кайхисрав Афросиёбнинг пойтахти бўлган Ромитанни забт этиб, унга Ромеш деб ном қўйди. (14^а) Унинг яқин кишилари ва ҳарамилати заифаларни ўз лутфу марҳамати паноҳига олиб, бирон кимса уларга тажовуз қилмоғига йўл қўймади.

Алкисса, узок муддатдан сўнг, Бидун³⁰ Бухорога ҳукмдор бўлгач, кишлоқлардан бирида ўз салтанати қароргоҳини ўрнатди ва арк ҳисорини обод қилдирди. У собиқ қасрларни таъмир қилишни буюрди. Подшоҳ қасрини таъмир қилишганида, ўз номини темирга ёздириб, ушбу иморатнинг эшигига ўрнаттирди. Бу қасрни илк бор бунёд этишганида, у қулаб тушди. Иккинчи бор бино қилишганида, ҳеч бир сабабсиз яна вайрон бўлди. Учтинчи бор тиклаш олдидан ҳақимларни чақириб,

тадбир килишларини сўради. Улар иттифокликда маслаҳат бердиларки, бу саройни осмондаги “Банот ун-наъш”⁴⁰ юлдузлари шаклига мувофиқ курмок керак. Еттита устун келтириб, уларнинг тепасига иморат (14⁶) қурдилар ва шунда у кулаб тушмади. Яна шуниси ажабланарлики, Сиёвуш қургандан сўнг ва хижратдан⁴¹ олдин бу таъмирни қилишганидан бери бу қасрда яшаган ҳеч қайси подшоҳ мағлуб бўлмади ва душманлар устидан ғалаба қозонди. Яна шуниси ажабланарлики, бу саройни қуришганидан бери, на кофирлик ва на ислом даврида бирон подшоҳ унда ўлмади. Султонларга ажал яқинлашганида, улар бу қаср, яъни арқдан ташқари чиқиб кетишлари учун бирон бир сабаб пайдо бўлиб қоларди ва улар бошқа жойда вафот этишарди. Бу сарой қурилганидан то вайрон бўлгунича шундай бўлган. Мазкур арқнинг икки дарвозаси бўлиб, бири ғарбий ва бошқаси шарқий дарвозадир. Шарқий дарвоза “Арқбаста”⁴² ва ғарбийси “Регистон” деб аталади. Бир дарвозадан бошқасига қадар (15⁴) тўғри йўл бўлган. Бу ҳисор султонлар, амирлар, лашкарбошилар ва ҳарам яшайдиган ҳамда хазина сақланадиган жой бўлган. Бир қанча муддатлардан сўнг арқ яна вайрон бўлган.

БУХОРОНИНГ ФАТҲ ЭТИЛИШИ ЗАКРИ

Ушбу подшоҳ (Бидун)нинг хотини замонида бу воқеа содир бўлди. Убайдуллоҳ ибн Зиёдни Муовия⁴³ разийаллоху анху Хурросонга жўнатди. У Жайхун дарёсидан ўтди ва Бухоро шаҳрига етди. Бу даврда подшоҳ Бидуннинг хотини ва Тағшоданинг онаси эди. Убайдуллоҳ ибн Зиёд Пайканд ва Ромитанни забт этиб, тўрт минг кишини асирга олди. Эллик тўртинчи (673-674) йилда Бухоро шаҳрига етганида, Хотун⁴⁴ яширинча туркларга одам жўнатиб, етти кун мобайнида Убайдуллоҳга ҳадялар юбориб турди. Оқибатда, жуда кўп кофирлар йиғилиб, қаттиқ жанглар қилишди. Илоҳий зафар ислом лашқарига насиб этди (15⁶) ва турклар мағлуб бўлишди. Хотун шаҳарга кириб, мустаҳкамланиб олди. Мусулмонлар жуда кўп аслаҳа, мато, олтин, қумуш ва қулларни ўлжа қилиб олишди. Ўлжалар жумласидан бири хотуннинг бир пой этиги ва пайпоғи бўлиб, агар иккинчи пойини ҳам қўлга киритишганида, ғанимат тўлиқ бўларди. Мазкур этик тиллодан ишланган бўлиб, жавоҳирлар билан безатилган эди. Баҳо қилишганида икки юз минг дирхамга тўғри келди. Охири, хотун омонлик сўради ва минг-минг (миллион) дирхам эвазига

сулҳ тузилди. Убайдуллоҳ бу молларни олиб қайтди ва ул тўрт минг асирни ҳам ўзи билан Хуросонга элтди. Эллик олтинчи (675-676) йилда амир ал-мўминин Усмон⁴⁵ разийаллоҳу таоло анхунинг ўғли Саъид Хуросон амири бўлди. У Жайҳундан ўтганида, бухорхудот⁴⁶ одам жўнатиб, деди: “Мен Убайдуллоҳ билан тузилган ўша сулҳга содикман”. (16⁴) Тўсатдан, Сўғд⁴⁷, Кеш⁴⁸ ва Нахшаб⁴⁹ лашкарлари етиб келишдики, улар бир юз йигирма минг жангчидан иборат эди. Хотун сулҳ тузганига пушаймон килди. Саъид разийаллоҳу анҳу у жўнатган молларни қайтариб юбориб, деди: “Ўша сўзимда тураман”. Шу онда мусулмон ва кофирлар лашкарлари сафтарни ростлаб, жангга кирдилар. Зафар мусулмонларга насиб этди ва кофирлар мағлуб бўлди. Хотун сулҳ талаб қилиб, молларни икки баробар қилиб юборди. Саъид разийаллоҳу анҳу сулҳни маъкул топиб, қабул қилди ва деди: “Мен Самарқанд устига лашкар тортаман. Улуғзодалардан гаров тариқасида бергин! Акс холда, сенга ишонмайман”. Хотун бу сўзларни ғойибдан келган мужда деб билиб, зодагонлар ва обрўли деҳқонлардан⁵⁰ саксон нафарини унга топширди. Саъид разийаллоҳу анҳу буюрди: “Менга ва менинг аъёнларимга салом беришга чик!” Хотун бунга рози бўлди ва чиқиб, уларга салом берди. (16⁶) Саъид разийаллоҳу анҳу Самарқандга қўшин тортди ва кўп жанглар қилиб, ғалаба қозонди. У замонда Самарқандда подшоҳ йўқ эди. Самарқанддан уч минг асир олиб, саноксиз моллар билан Бухорога қайтди. Хотун гаровга олинганларни сўраганида, баҳона қилиб деди: “Уларни Марвдан⁵¹ озод қилиб юбораман”. Оқибатда, ул асирларни Мадинага элтиб, уларнинг либосларини ечиб, эски хизматкорлар кийимларини кийгизди ва далада зироат ишларига машғул қилди. Улар ғоятда ноумидликдан машварат қилиб, бир куни Саъид разийаллоҳу анхунинг саройига бостириб кириб, эшикларни беркитиб, Саъид разийаллоҳу анҳунини шахид этиб, ўзларини ҳам ўлдиришди. Бу воқеа палид Язид⁵² замонида рўй берди.

БУХОРОНИНГ АРАБЛАР ВА АЖАМЛИКЛАР⁵³ ЎРТАСИДА ТАКСИМЛАНИШИ

Ҳотам ал-Факих раҳматуллоҳи алайҳи ривоят қиладики, Қутайба⁵⁴ разийаллоҳу анҳу (17¹) Бухорони олгач, хар йили икки юз минг дирҳам халифага ва ўн минг дирҳам Хуросон ами-

рига беришларини тайинлади. (Бухороликларга) ўз уйларининг ярмини мусулмонларга беришни буюрди. Араб отларининг ем-хашаги. уларга керакли ўтин ва бошқа нарсалар харажатлари шаҳар ташкарасидаги саҳройилар зиммасига юклатилди. Бухорода ислом даврида Қутайба ибн Муслим фармонида кўра амир бўлган биринчи киши Вазир ибн Аюб ибн Ҳайён эди. У “Кох” кўчасида яшарди. Чунки, ундан олдинги Бухоро амирлари ҳам ўша ерда истикомат қилишган.

ТАҒШОДА ИБН⁵⁶ БУХОРХУДОТНИНГ ҚАТЛ ЭТИЛИШИ ЗИКРИ

Асад ибн Абдуллоҳ ал-Кушайрий⁵⁶ замонида бир мўмин одам Бухоро аҳлини имонга чақирди. Бир жамоа қабул қилиб, мусулмон бўлишди. Бухоро малики Тағшода эди. У бундан ғазабланди, чунки ботинида кофирлигича қолган эди. У Хуросон амираи Асад ибн Абдуллоҳга шундай деб ёзди: “Бухорода бир (17⁶) одам пайдо бўлди ва вилоятни менга қарши ғалаёнга кўтарди. У бир жамоани мусулмонлик номи билан тўплади ва шу сабабли хирож камайиб кетмоқда”. Асад ўзининг омили Мукотилга хат ёзиб деди: “Бу жамоани қўлга олиб, Бухоро подшоҳига топшир! Уларни нима қилса, ўзи билсин”. Ул жамоа масжидда эди ва барчаси калимаи шаҳодатни айтиб: “Во Муҳаммадо, во Аҳмадо” деб қичкиришарди. Кофир малик буйруғига кўра, улардан тўрт юз кишининг бўйнига қилич урдилар. Бирон кимса шафоат қилишга журъат этолмади. Қолганларини Асад ибн Абдуллоҳ ҳузурига жўнатди. У жамоадан ҳеч ким исломдан қайтмади. Бир юз олтмиш олтинчи (782-783) йилда Асад ибн Абдуллоҳ ўлди.⁵⁷ Ҳишом ибн Абдулмалик ибн Марвон⁵⁸ фармонида кўра, Наср ибн Сайёв⁵⁹ Хуросон амираи этиб тайинланди. Тағшода уни Самарқандда кутиб олганида, Наср (18^а) уни эъзозлади, чунки унинг қизини ўз никоҳига олган эди. Бу пайт рўза ойи эди. Мазкур маликнинг яқинларидан икки деҳқон Наср ибн Сайёв қўлида мусулмон бўлган эдилар. Улар Тағшоданинг зулмидан шикоят қилишди. Малик паст овозда Наср билан сўзлашмоқда эди. Деҳқонлар, улар бизни ўлдиришмоқчи, деган хаёлга боришди. Наср намозга кириб кетганида, бухорхудот курсида ўтирарди. Ул деҳқонлардан бири пичок билан унинг қорнини ёрди. Унинг подшоҳлик муддати ўттиз икки йил эди. Унинг ўлиmidан сўнг, бухорхудот-

нинг ўгли Кутайба отасининг ўрнига мулк тахтига ўтирди. Бир канча вақт мусулмон бўлди, сўнгра яна диндан кайтди. У Абу Муслим⁶⁰ тарафидан пинхоний тарзда қатл этилди. Ундан сўнг Банкол ибн Тағшода Бухоро подшоҳи бўлди. У ислом даврида туғилган эди. Бир канча муддат мусулмон бўлди. Халифа Маҳдий⁶¹ Муқанна⁶² ишидан дилини фориғ этгач, (18⁶) уни ўз иморатида қатл этишни буюрди. Бу воқеа бир юз олтмиш олтинчи йил (782-783) рамазон ойида содир бўлди. У Куръон оятларини ўқиётганида ўлдирилди ва ўша кўшқда дафн қилинди. Унинг мулкдорлик муддати етти йил эди. Шундан сўнг, унинг укаси Банот ибн Тағшода амир бўлди. Етти йилдан сўнг у ҳам Муқанна мазҳабини қабул қилгани учун халифа фармонида кўра қатл этилди. Шундан сўнг, то амир Исмоил⁶³ давригача Бухоро Тағшоданинг ўғил, набира ва хизматқорлари қўлида эди. Сўнгра уларнинг қўлидан кетди.

БУХОРО ШАҲРИ ДЕВОРИНИНГ ЗИКРИ

Хожа Ҳасан Нишопурий “Тазкират ул-ахбоб” (“Дўстлар тазкираси”) китобида келтиришича, Бухорон шариф калъаси олдинги деворининг узунлиги йигирма бир фарсах бўлган. Яна келтирганки, Маҳдий ибн Мансур Аббосий халифалиги замонида (19⁶) Хуросон амири Муҳаммад ибн Абдуллоҳ тарафидан Бухоро ҳокими этиб тайинланган амир Аҳмад ибн Холид: “Бухоронинг девори бўлиши керак, токим биз дарвозаларни беркитиб, ўғри ва қарокчилардан эмин бўлсак”, деб арзга етказди. Сўнгра унинг буйруғига кўра, мустаҳкам девор тиклаб, буржлар қуришди ва дарвозалар ўрнатишди. Бу иш икки юз ўттиз бешинчи (849-850) йилда поёнига етди. Ҳар гал бирон лашқар Бухорога қасд қилганида, бу деворни янгитдан тиклашарди. Арслонхон⁶⁴ ўз замонида қадимги девор олдида бошқа бир девор бино этишни буюрди. Иккала девор бир-бирига тутшиб, мустаҳкам бўлди. Замонлар ўтиши билан у ҳам хароб бўлди. Беш юз олтмишинчи (1164-1165) йилда одил ҳокон Масъуд Қиличхон⁶⁵ ул деворнинг ташқарисида бошқа бир девор қуришни буюрди. (19⁶) У ҳам хароб бўлди. Олти юз тўртинчи (1207-1208) йилда хоразмшоҳ Муҳаммад (ибн) Султон Тақаш⁶⁶ Бухорони олгач, яна девор қурди.

“Ҳазойин ул-улум” (“Илмлар хазинаси”)да келтирилишича, Маҳдий Аббосий даврида бутун Хуросон амирлиги Абу-л-

Аббос ибн ал-Фазл ибн Тусийга⁶⁷ топширилди. Бир юз олтиш олтинчи (782-783) йилда у Марвга келиб, тахтга ўтирди. Юртнинг аёёну ақобирлари унинг ҳузурига боришди. Бухородаги сўғд зодагонлари ҳам улар орасида эди. У (Абу-л-Аббос) улардан вилоятлари аҳволини суриштирди. Бухоро аҳли дедилар: “Бизга турклардан ранж етади. Ҳар вақт улар тўсатдан келиб, кишлоқларни ғорат қилишади. Чунончи, яқиндагина келиб, Сомдун кишлоғини ғорат этиб, мусулмонларни асир олишди”. Абу-л-Аббос деди: “Бирон талбирингиз бўлса, айтинг, токи бунинг иложини қилайлик”. (20^а) Сўғд малики Язид ибн Ғурак деди: “Хуросон амирининг давлати боқий бўлсин! Ўтган замонларда жоҳилият даврида ҳам турклар Сўғд вилоятини ғорат қилишарди. Сўғдда бир аёл подшоҳ бўлиб, у Сўғдни девор билан ўраб олган эди. Ўшандан сўнг Сўғд вилояти турклардан омонлик топди”. Абу-л-Аббос Тусий Бухоро ҳокими Мухтадий ибн Ҳаммодга буюрдики, токи у Бухорони девор билан ўраб олишга бош-кош бўлсин. Чунончи, худди Самарқанд каби Бухоронинг барча кишлоқлари девор ичида бўлиб, туркларнинг қўли вилоятга етмасин. Мухтадий бу деворни қуриш ва дарвозалар ўрнатишни буюрди. Ҳар ярим милда⁶⁸ битта бурж тикладилар. Бухоро козиси бўлган Асъад ибн Халаф ал-Бухорий <рахматуллоҳи алайҳи> бу ишга бош бўлди ва у Мухаммад ибн Мансур даврида (20^б) икки юз ўн бешинчи (830-831) йилда поёнига етди. Ундан кейин амир бўлганлар барчаси иморат ва таъмир қилдиран эдилар. Шу сабабли Бухоро халқи зиммасига катта харажатлар юкланар эди. Ҳар йили таъмир харажатлари учун улкан маблағ талаб қилинарди. Амир Исмоил Сомоний раҳматуллоҳи алайҳи салтанати давригача шундай эди. Оламнинг ул одил подшоҳи шафқат ва раиятпарварлик юзасидан бу ишни бекор қилди. У девор хароб бўлди. Доно ва довюрак амир деди: “Токи мен тирик эканман, ўзим мамлакатнинг девори бўламан”. Дарҳақиқат, бутун умри мобайнида душманлар билан жанг қилиб, Бухоро заминида душманлар ғолиб бўлишига йўл қўймади. Шеър:

Зинда жовид монад онки неку ном зист.

Аз паси у зикри хайр зинда кунад номро.

(Яхши ном билан яшаган киши абадий барҳаётдир.

*Чунки, ортидан эзгулик билан эсланиши номини тиришти-
ради).*

Маълумки, (21^а) “Мажмаъ ул-ғаройиб” (“Ғаройиботлар тўплами”)да⁶⁹ бу деворнинг айланаси ўн саккиз фарсах эканлиги келтирилган. Асрлар ўтгач ҳам унинг қадимий пойдевори маълум эди. Чунончи, у деворнинг шарқий қисми Кухак⁷⁰ дарёси соҳилидан то Малик чулигача бўлиб, ҳазрат Хожа Каъб ул-ахбор разийаллоҳу таоло анҳунинг фэйзосор мазори бўйлаб ўтиб, унинг жануб тарафида баъзи жойларда Каж тепалигига туташиб, то Пайканд калъасигача борган. Деворнинг ғарбий қисми Мохон кишлоғи, Канпирак тепалиги, Суюнч мазори, ҳазрат Хожа Убон ибн Усмон разийаллоҳу анҳумо, ҳазрат Хожа Мухаммад Бобойи Самосий⁷¹ мазоридан то Хожа Заъфарон мазори ва ҳазрат Кутайба <Аллоҳ уларнинг барчасининг сирларини муқаддас қилсин> мазоригача чузилган. У деворнинг шимоли Вардонзе⁷² калъаси, Чуғулбош, Қорахонийдан то Қўйи Гиштигачадир. Вайрона бу деворнинг қолдиқлари (21^б) ушбу диёрнинг шарқий ва жанубий тарафларида ҳозиргача сақланиб қолган. Тўққиз юз эллик биринчи (1544-1545) санада ҳазрат Абдулазизхон ибн ҳазрат Убайдуллоҳон⁷³ Бухоро шаҳрининг деворини бино қилди. Бу деворнинг айланаси бир фарсах. Мухаммад Раҳимхон⁷⁴ ўз ҳукмронлиги даврида бир минг бир юз олтиш саккизинчи (1754-1755) йилда Фоҳира шаҳри атрофидаги деворга туташ бошқа бир девор солдирди ва у ҳозиргача сақланиб қолган.

АРК ЗИКРИНИНГ ХОТИМАСИ

Тарих фанидан вокифларга куёшдан ҳам ёркинроқ, балки ундан ҳам равшанроқдирки, максалимиз шаҳар ва аркнинг бино қилинишидир. Уларга қадимда аждодлар асос солгани учун (бу хусусда) муқаддима қилинди. Аркдаги қурилишларга кейинги даврлар ҳукмдорлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшганлари учун, хотимада бу ҳақда муфассал тарзда ёзиб, яқунлашни лозим топдик. Машхур масалдаги каби, бажарувчи узрлидир. Шеър:

Ин ҳамон хок аст осори Сиёвуши (22^а) катил

Ин ҳамон мулки Бухоро Афросиёбаш сийначок.

Хил-хил, фирқа-фирқа чанд рўзи мулкдор

Бо ҳазорон карру фарр, рафтанд охир зире хок.

(Бу ўша улдирилган Сиёвушининг изи бор тупроқдир,

Бу ўша Афросиёби сийначок бўлган Бухоро мулкидир.

*Ҳашамат ва дабдабати турли-туман ўткинчи мулкдорлар
Охирда барчаси тупроқ остига кетишиди).*

Сиёвуш ҳақида зикр қилганимизда, ундан сўнг то Тағшоданинг отаси Бидун замонигача бу арк султонларнинг истикоматгоҳи бўлгани ҳақида ёзган эдик. Тарих китобларидан аён бўлдики, бу арк бир қанча замонлар ташландик ҳолида бўлиб, ислом даврига яқинроқ таъмир қилинган. Ислому кўшинлари келганида, тобеинлар⁷⁵ ва уларга эргашганларнинг қадамига мушарраф бўлди. Бинобарин, ҳазрат амир Исмоил Сомоний раҳматуллоҳу алайҳи Бухоро шаҳрини азиз ва муқаррам тутиб, ўз салтанати бошларида Бухорони пойтахт қилди. У ўзининг ақсар вақтини Бухорода ўтказган. Бинобарин, бир оз (22^б) Сомонийлар давлати аҳволи ҳақида ҳам ёзилди. Сомонийлар насабда Баҳром Чубин⁷⁶ авлодидандирлар. Бу жамоа халифа Маъмун⁷⁷ даврида давлатга етишган. Чунончи, Маъмун Марвада эканлигида Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳукуматини ўз вазири Фазлнинг амакиваччаси бўлган Ғассон ибн Ибодга⁷⁸ берди. Ушбу даврда халифаликнинг сарой мулозими бўлган Асад ибн Сомоннинг фарзандларини унга топшириб, деди: “Бу жамоа насл-насаб соҳибларидирлар, уларга обрўли амаллар бергин”. У Нух ибн Асадни Самарқандга волий қилди. Аҳмад ибн Асадни Фарғонани идора этиш учун жўнатди. Тошкент ва Ўратепани⁷⁹ Яҳё ибн Асадга берди. Ҳиротни бошқариш жиловини Илёс ибн Асаднинг қўлига тутқазди. Ғассон мансабидан кетиб, Тоҳирийлар⁸⁰ мансабдор бўлгач, улар ҳам Сомонийлар хонадонини аввалги тартибга кўра, бошқарув ишларига қўйишди. Нух (23^а) ибн Асад вафотидан сўнг, Талха ибн Тоҳир⁸¹ Самарқандни унинг биродарлари Яҳё ва Аҳмадга топширди. Аҳмад ниҳоятда парҳезкор, раҳмдил, одил ва хайрли ишлари билан танилган эди. Унинг етти ўғли бўлиб, исмлари: Наср, Яъқуб, Яҳё, Асад, Исмоил, Исҳоқ ва Ҳамид. Аҳмад Самарқанд бошқарувини Талҳанинг маъқуллаши билан қатта ўғли Насрга берди. Шу тариқа, Тоҳирия маликлари давлати айёмида Мовароуннаҳр уларнинг ноиблари бўлган Сомония авлодларига тааллуқли бўлди. Яъқуб Лайс⁸² исёни ва Тоҳирийлар заифлашгандан сўнг, икки юз биринчи (816-817) йилда⁸³ халифа Муътаид⁸⁴ Наср ибн Аҳмадга бутун Мовароуннаҳрни бошқариш ёрлиғини жўнатди. У ўз укаси Исмоилни Бухорода ноиб сифатида қўйиб, ўзи Самарқандда истикомат қилди. Икки юз эллик тўққизинчи

(872-873) йилда⁸⁵ у вафот этгач, хазрат амир (23⁶) Исмоил бутун Мовароуннаҳр диёрининг подшоҳи бўлиб, Бухорои шарифни доруссалтанат қилди.

(АМИР ИСМОИЛ СОМОНИЙ САЛТАНАТИ ЗИКРИ)

Муаррихлар Сомон авлодидан подшоҳлар қаторида санишган биринчи киши амир Исмоил эди. Адолатпарвар амир (Исмоил) Амр (ибн) Лайс⁸⁶ устидан зафар қозониб, уни халифа саройига юборганидан сўнг, халифа Муътазил⁸⁷ амир Исмоил учун қимматбаҳо чопонлар ва Хуросон, Сейистон, Мозандарон⁸⁸, Рай⁸⁹ ва Исфохон⁹⁰ ҳукуматлари ёрликларини унга топширди. Мазкур амирнинг вафоти икки юз тўқсон бешинчи (907) йилда бўлиб, тарих китоблари бу жанобнинг хайрли ишлари зикри билан тўладир. Биз қисқача баён қилдик.

АМИР АҲМАД ИБН АМИР ИСМОИЛ⁹¹ САЛТАНАТИ ЗИКРИ

Амир Исмоил замонида Хуросон волийси эди. Отасининг ўлимидан сўнг унинг ўрнига ўтирди. Амир Аҳмад аксар вақт олимлар билан мажлислар (24⁹) тузарди. Шу сабабли гуломлар⁹² уни ёмон кўриб қолишди ва оқибатда шаҳид этишди. Унинг вафоти уч юз биринчи (914) йилда Марв вилоятида рўй берди. Шундан сўнг, уни “Султони шаҳид” деб атай бошладилар. Айтишларича, амир Аҳмад баҳодир, такаббур ва бадхулк бўлган. Ҳукмронлик муддати олти йилу тўрт ой. Унинг жасадини Бухорога келтириб, қайта дафн қилишди. Исмоил Сомонийнинг олий даража номи билан машҳур бўлган гумбаз тахминларга кўра, Амири шаҳид раҳматуллоху алайҳининг хобгоҳидир⁹³.

АМИР НАСР ИБН АМИР АҲМАД⁹⁴ САЛТАНАТИ ЗИКРИ

У отасидан сўнг меросий мулкка эга бўлди ва амир Насрга “Саъид” (“Бахтиёр”) деб лақаб қўйишди⁹⁵. У саккиз ёшида салтанат тахтига ўтирди ва вазирликни Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Жаҳоний эгаллади. Ҳамуя ибн Али лашкарбоши бўлди. Уни (амирни) Хуросон вужудининг соҳиби (24⁶) дейишарди. Ибтидода амирнинг бошқаруви заиф эди. Ҳар

жойларда фитналар кўзғалиб, унинг отасининг амакиси Исхак ибн Аҳмад Самаркандда бинолар қурди ва унинг ўғли Абу Солиҳ Мансур ибн Исхак Нишопурда⁹⁶ исён кўтарди. Лашкарбоши Ҳамуянинг хизмати билан амир Исхак мағлуб этилди ва Хуро- сондаги фитна ҳам бостирилди. Форс⁹⁷, Кермон⁹⁸, Табаристон⁹⁹, Гургон¹⁰⁰ ва Ироқда¹⁰¹ хутбани¹⁰² унинг номи билан ўқишди.

Ҳикоят:

(Уч юз) ун учинчи (925-926) йилда Амири саъид Бухородан Нишопурга отланиб, ўз тобеъларидан бири Аҳмад ибн Яхё ибн Асад Сомонийни бошқарувчи ноиб сифатида ўз ўрнига қўйди. Ушбу санада Гардункашон маҳалласига ўт тушди. Ёнгин шун- чалик катта эдики, Самарканд аҳолиси ҳам уни кўришган. Бу- хоро ахли бу олов осмондан келди, дейишди ва мазкур маҳалла бутунлай ёниб битди.

(25^a) Ҳикоят:

Амири саъид Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил замонида уч юз йиғирма бешинчи йилнинг ражаб ойида (937 апрел-май) Бухорода яна ёнгин содир бўлди ва бозор батамом ёниб кетди. У Самарканд дарвозаси яқинидаги бир ҳалимпазнинг дўконидан бошланган. Ҳалимпаз ҳалим пиширилган қозон тагидаги қул- ни томга чиқариб, у билан томдаги тешикни тўлдириб, ёмғир ёқканда чакка ўтишининг олдини олмоқчи бўлган. Тасодифан, қул орасида бир парча чўғ бўлиб, уни шамол олиб кетган ва бир камиш қулбани ўт олган, ундан олов бозорларга ёйилган. Самарканд дарвоза маҳалласи бутунлай ёниб, олов ҳавода худ- ди булутдек сузиб юрган. Бозорнинг тимчалари, “Хорижак” мадрасаси, қовушдўзлар тими, саррофлар ва базозлар бозори, хуллас, Бухоронинг бу тарафидаги то анҳор соҳилигача бўлган ҳамма нарса ёниб кетди. (25^b) Бир парча олов учиб, “Мох” мас- жидига ўт тушди ва бутунлай ёнди. Ёнгин икки кечаю кундуз давом этди ва бухороликлар уни ўчиришга ожиз бўлиб, кўп машаққатлар чекишди. Ниҳоят, учинчи кунни ўтти учиришди. Бир ой давомида тупрок остида ёғочлар ёниб турди. Бухоро аҳолиси юз минг дирхам зиён кўрди ва ҳаргиз Бухоро иморат- ларини олдингисидек қилиб тиклай олмадилар.

(Амир Наср) йиғирма саккиз йил ҳукмронлик қилди. Сил қаеалига чалинганидан сўнг, қаср дарвозаси олдида бир уй қурдирди ва унга “байт ул-ибода” (ибодат уйи) деб ном қўйиб, ақсар вақт тоза либослар кийиб, ўша ерда ибодатга машғул бўларди. Уч юз ўттиз биринчи (943) йилда Аллоҳ раҳматига

етишди. У ғоятда сахий, раҳмдил, одил ва оқил эди. Ҳалимидан сўнг “Амири саъид” лақабини олди. Махфий қолмасинким, амир Наср ҳаётлик даврида собиқ подшоҳлар манзилгоҳига (26^а) – Бухоро қалъасининг ғарбий дарвозасидан то Регистон дарвозасигача, қадимдан хоҳ жохилия, хоҳ сомонийлар даврида подшоҳлар саройлари бўлган эди – сарой қуришни буюрди. Ниҳоятда кўркем сарой қуришди ва унинг яқинида ҳар бир омил учун кўп сонли иморатлар бино қилишди. Чунончи, вазир девони, муставфий¹⁰³ девони, амид ул-мулк¹⁰⁴ девони, посбонлар бошлиғи девони, муаййид¹⁰⁵ девони, мушриф¹⁰⁶ девони, ҳосерлар девони, мухтасиб девони, вақфлар девони ва қозилик девони. Шу тартибда, унинг фармонида кўра, девонлар қуришди.

Амир Рашид Абдулмалик ибн Нух ибн Наср¹⁰⁷ одан йиқилиб ўлғач, унинг ғуломлари саройга бостириб кириб, ғорат қилдилар. Хожасаройлар¹⁰⁸ ва қанизақлар ўртасида жанжал чиқиб, саройга ўт қўйиб юборишди (26^б) ва у буткул ёниб битди. Унда бўлган барча олтин ва қумушдан ишланган зариф буюмлар ҳаммаси қуйиб, асар ҳам қолмади.

Мансур ибн Нух¹⁰⁹ тахтга ўтиргач, ҳароб бўлган жойларни олдингидан ҳам яхшироқ тарзда тиклади. Амир саройда ўтирганида, сарой шифтига ўт тегиб, барчаси ёниб кетди. Ўша даврдан бошлаб, бу Регистон мавзеси ҳаробага айланди.

АМИР НУХ ИБН НАСР¹¹⁰ СОМОНИЙ САЛТАНАТИ ЗАКРИ

Отаси ҳалимидан сўнг тахтга ўтирди. Унинг амаллари таҳсинга сазовор ва ахлоқи мақбул эди. Унинг салтанати ўн уч йил давом этди ва лақаби “Амири ҳамид” (“Мақтовли амир”) дид. У уч юз қирк учинчи (954) йилда вафот этди.

АБДУЛМАЛИК ИБН АМИР НУХ СОМОНИЙ ЗАКРИ

Салтанатни бошқаришдек қатта иш унинг зиммасига тушди ва ҳукмдорлик муддати салқам етти йилдир. Унинг қунyasi (27^а) “Абулфаворис” (“Чавандозлар отаси”), лақаби эса, ҳаётлик пайтида “Муаййад” (“Қутлуғ”), ҳалимидан сўнг “Муваффақ” эди. Уч юз элтигинчи (961) йилда тўп ўйнаётганида одан йиқилиб, ҳалок бўлди. Давлати айёмида инсоф ва сиёсат қондасига риоя қилиб, дунёда эзгу ном қолдирди.

МАНСУР ИБН АМИР НУҲ САЛТАНАТИ ЗИКРИ

Акасида кейин Хуросон ва Мовароуннахр ҳукмдори бўлди. У ва Рукн уд-давла ўртасида сулҳ барқарор бўлди. Шу шарт биланки, Рукн уд-давла ҳар йили давлат хазинасига бир юз эллик минг қизил диноҳ топширадиган бўлди. Сулҳ асосларини мустаҳкамлаш учун Изд уд-давланинг қизини ўз никоҳига олди. Ўн беш йил ҳукм сургандан сўнг, уч юз олтмиш бешинчи (976) йилда охираг сафарига кетди. Ҳаётлиги пайтида уни “Амири муаййад” (“Қутлуғ амир”) деб аташарди. Ўлиmidан сўнг “Амири садид” (“Адолатли амир”) деб атай бошлашди.

АМИР НУҲ ИБН МАНСУР¹¹¹ САЛТАНАТИ ЗИКРИ

(27⁶) Отасининг вафотидан сўнг, унинг ўрнига ўтирди. Ўз замонида бир бор салтанатдан маъзул бўлиб, яна қайта тахтга чиқди ва осойишта ҳаёт кечирди. У уч юз саксон еттинчи (997) йилда вафот этди.

МАНСУР ИБН НУҲ¹¹² САЛТАНАТИ ЗИКРИ

Амир Нух вафот этгач, амирлар ва аёнлар Абулхорис Мансурни тахтга ўтказдилар. Унинг биродарининг ғуломи Бектузин амир ул-умаролик мансабида эди ва хизматга етиб келди. Унинг истагани ва қутгани даражасида шоҳона илтифотлар кўрсатилмади. Шу сабабдан ҳафа бўлиб, аркони давлатни ўз томонига оғдириб, зиёфат баҳонасида подшоҳни ўз уйига элиб, жаҳонни кўрувчи кўзига мил тортиди. Салтанати муддати бир йилу етти ой эди.

АБДУЛМАЛИК¹¹³ САЛТАНАТИ ЗИКРИ

Чақалоклигида акасининг ўрнига салтанат тахтига ўтиргизишди. Унинг давлати айёмида (28¹) Сомонийлар давлатида паришонлик юз берди. Чунончи, Эликхон Кошғардан¹¹⁴ Бухорога отланди ва минг бир хийла билан, гўёким дўст сифатида, уч юз тўксонинчи (1000) йилда Бухоро шаҳрига кирди. Шундан сўнг, барча амирларни бандга солдирди. Абдулмалик қочиб кетган бўлса-да, оқибат қўлга тушди. Уни Ўзгандга¹¹⁵ жўнатишди ва унинг ҳаёт шами ўша диёрда сўнди. Ундан сўнг

укаси Мунтасир¹¹⁶ бир неча кун бош кутарди ва оқибатда уч юз туксон бешинчи (1005) йилда ҳукмдор Султон Маҳмуд¹¹⁷ томонидан (ҳазинадаги) кимматбаҳо буюмларни йиғишга тайинланган Моҳруй номли бири унинг шариф конини тукди. Бу мусибатли хабар Султон Маҳмуднинг қулоғига етгач, Моҳруйни шармандаларча катл этди ва буюмларни ғорат қилдирди. Шу билан Сомон авлодлари давлатининг чироғи сунди ва уларнинг иқбол ва шараф юлдузлари куйи даражага инди. <Аллоҳ барча нарсага қодирдир>¹¹⁸.

(28^o) ЭЛИКХОН ЛАҚАБЛИ АЛПТЕГИННИНГ СУЛТОН МАҲМУД БИЛАН МУҲОРАБАСИ

(Эликхон) сомонийлар авлодининг сунгисини (Ўзгандга) жўнатгач ва андишасиз Султон Маҳмудхоннинг лашкар тортгани овозаси ёйилгач, Хўтан¹¹⁹ малики Қадархонга фарёдли номалар йўллаб, ундан мадад сўради. Хўтан хони (юборган) катта лашкар Эликхон ҳамроҳлигида сувдан кечиб ўтди. Султон ҳам хунхор лашкар билан уларга қарши чиқди. Оғир жангдан сунг Эликхон мағлубиятга учради. Бу воқеа уч юз туксон еттинчи (1006-1007) йилда рўй берди.

Турт юзинчи (1009-1010) йил атрофларида Арслонхоннинг акаси Туғонхон¹²⁰ зохиран Самарқандда ҳоким эди. Чинликлар¹²¹, яъни турклар Мовароуннаҳрни забт этишга ҳасд қилиб, уч юз минг жанговар қўшин туплашди ва Болосоғун¹²² сари отланишди. Туғонхон бемор бўлиб, қўл муддатдан бери тушакда ётарди. Ҳақиқий шифокор (Аллоҳ) даргоҳидан (29^o) шариатга хизмат қилиш учун шифо сўради, токи мудофаа ишларига саъй-ҳаракатлар қилиб, раиятни чинликлар зулмидан қутқаргай. Аллоҳ таоло унинг илтимосини ижобат қилиб, соғайиш давлатини ато этди. Хон ўз ваъдасига вафо қилиб, бир юз йигирма минг киши билан Чин туркларини Болосоғундан уч ойлик йўлга таъкиб қилиб борди ва юз мингини кириб ташлаб, яна юз мингини асирга олди. Баҳодирлар қўлига шунчалик улжалар тушдики, сон-саногига етиб бўлмас эди. Қайтиб келганидан сунг, касали қайта қўзиб, вафот этди.

Махфий қолмасинким, мулк ишлари сомонийлар қўлидан кетгач, ул саройлар хароб бўлиб, Бухорода ҳисор (арк)дан бошқа муайян ҳукумат уйи йўқ эди. Бунинг сабаби шу эдики, амир Исмоил замонидан бери сомоний султонларнинг

манзилгохи бўлган Жуйи Мулиён аслида Тағшоданинг мулки эди ва уч юз эллик олтинчи (966-967) йилда¹²³ Насрхон ибн (Иброҳим) Тамғоч¹²⁴ бу экинзор ерларни илм ахлига берди, (29⁶) токи шаҳарга якин бу жойда факихларнинг¹²⁵ экин-тикин билан шуғулланиши осон бўлсин. Малик Шамсиддин Наср ибн Иброҳим Тамғочхон ўз замонида Шамсободни бино қилди. Шамсиддин дунёдан ўтгач, унинг укаси Хизрхон¹²⁶ мулк тахтига ўтириб, бу Шамсободни зийнатлар билан беади. У ҳам оламдан ўтгач, ўғли Аҳмадхон¹²⁷ подшоҳ бўлди. У Шамсободга эътибор қаратмагани учун бу жой хароб бўлди.

Маликшоҳ¹²⁸ Хуросондан Бухорога келиб, бир ҳамла билан шаҳарни олди. Самарқанд ҳокими Муҳаммад (ибн) Сулаймон исён ва туғён дамани урди ва бу воқеа беш юз йигирма тўртинчи (1129-1130) йилда¹²⁹ содир бўлди. Камал муддати чўзилиб кетгач, халк вабо ва очликдан кирила бошлади. Муҳаммад ибн Сулаймон чор-ночор омонлик сўраб, шаҳардан ташқари чиқди. Султон Самарқандни ўзининг гуломларидан бирига бериб, унй (Муҳаммад ибн Сулаймонни) ўзи билан (30^а) Хуросонга олиб кетди. Бир канча муддатдан сўнг, (Маликшоҳнинг) розилиги билан ул мамлакат ҳукумати яна Муҳаммад Сулаймонга тааллуқли бўлди.

Оламнинг ободон жойларининг катта қисми Султон Санжар¹³⁰ ноибларининг қўл остига ўтиб, чор атроф маликлари унинг ҳукм чизиғига бошларини қўйишгач, унинг фармони оламнинг шарқу ғарбига жорий бўлди. Амирлар ва арқони давлат мамлакат кенглиги ва неъматлар қўплигидан ўз димоғларида ғурур ва кибру ҳавога берилиб, интизомсизлик содир эта бошладилар. Мулк аҳволидаги бу бекарорликлар султоннинг Самарқандга отланиш сабабларидан бири бўлди. У вақтда Мовароуннаҳр ҳокими Аҳмадхон¹³¹ бўлиб, унинг ўн икки минг зархарид¹³² қули бор эди. У фалаж касалига чалинган бўлсада, султон келаётгани хабаридан воқиф бўлгач, кальадорлик ишларига машғул бўлди. Олти ойдан сўнг кальани ишғол қилишди ва Аҳмадхонни замбилга солиб, султоннинг олдига келтиришди. Унинг оғзи қийшайиб, (30^б) сўлаги оқар, чунончи, сўзлашга қуввати йўқ эди. Аҳмадхоннинг холи саҳифасига маъзул рақамини чекиб, ул диёрни ўғли Насрхонга берди. Уни Хуросонга олиб кетиб, сўнгрок яна Мовароуннаҳрга қайтарди. Шамсобод бутунлай вайрон бўлгани туфайли, у (Аҳмадхон ?) ўзи учун Жўйборда сарой бино қилишни буюрди. Ўттиз йил

мобайнида бу сарой Бухоронинг дорулмулки эди. Арслонхон¹³³ акаси Тугонхондан сунг, унинг Бухородаги койиммакоми булгач, салтанат марказини ушбу саройга кучирди ва унинг лакаби “шараф уд-давла” булди. Қачонки Бухорода булса, ушбу саройда истикомат киларди. Сунгрок ул саройни хисор (арк)га кучириб утказди ва ул мавзе хароб булди. Арслонхон Бухоро хисорини обод килишга буюрди ва иморатлар куришди. Хон ўз кароргохини шу ерга ўрнатди (31^а) ва йирик бир амирини шарт-шароитига караб туриши учун бу хисорга кутвол этиб тайинлади. Халойикнинг бу хисорга нисбатан эхтироми баланд эди.

Беш юз ўттиз тўртинчи (1139-1140) йилда хоразмшоҳ¹³⁴ Бухорога келганида. Аллоҳ унинг далилини мунаввар килгур Султон Санжарнинг фармонига кўра. Амир Занги Али Бухоро хокими эди. Хоразмшоҳ уни қўлга олиб, катл этди ва хисорни вайрон килди. Икки йилдан зиёдрок вайрона ҳолида ётди. Беш юз олтмиш олтинчи (1170-1171) йилда¹³⁵ Анматегин гурхон¹³⁶ тарафидан Бухорога волий этиб тайинланди ва шу йилиёк (гурхон) хисорни обод килишни буюрди. Гурхон тарафидан аркнинг таъмир килиниши ҳисоб жиҳатидан тўртинчи таъмир бўлиб, ўз салтанати кароргохини шу ерга ўрнатди. Ҳисор олдингидан ҳам кўркамрок бўлиб қолди. Беш юз ўттиз саккизинчи йилнинг рамазон ойида (1144 март-апрел) гуз¹³⁷ аскарлари Бухорога етиб. Айн уд-давла Қарочабек ва Шаҳобиддин дастурни ўлдиришди ҳамда хисорни (31^б) олдингидек хароб этишди.

ГУРХОННИНГ СУЛТОН САНЖАР БИЛАН МУҲОРАБАСИ

Мағрур амирларнинг саркашлигидан султоннинг давлатига кўз тегди. Бу ҳодисанинг баёни шуки, зикр қилиб ўтганимиз Самарқанд фатҳидан сунг, султоннинг хос кишилари узларининг фосид ва ғаразли ўйларига биноан шуни арз қилишдики, қорахитойлар ниҳоятда қудрат ва ҳашамат пайдо қилишган ва агар уларнинг бу вилоятдан даф этилиши орқага сурилса, фитналар содир бўлиши мумкин. Султон ул жамоатнинг чорваларини ҳайдаб кетишни буюрди. Улар илтижо билан дедилар: “Агар султон ризолик ва иноят юзасидан келса, биз ўз ихтиёримиз билан беш минг туя, беш минг от, беш минг куй берамиз”. Амирлар рози бўлишмади ва ул кавмининг улуглари қочиб, Туркистон султонлари орасида шавкатининг зиёдалиги

билан ажралиб турадиган гурхон олдига бориб, унга маълум килишдики, султон қариб, аҳволи паришон бўлиб, (32^а) мамлакатни бошқариш болалар ва қулларга қолган. Гурхон катта кўшин билан султон тарафга юрди. (Султон) унга нисбатан юз баробар шавкатга эга бўлса-да, киёматни эслатадиган бу лашкарга бардош беролмади. Амирларнинг такаббурлиги сабабли, ислом аҳли шармандали мағлубиятга учраб, ўттиз минг киши шаҳидлик даражасига етди. Шулар жумласидан, султоннинг таникли ва якин кишиларидан ун минг нафар ҳалок бўлди. Султон кичик бир гуруҳ билан қочиб қутулди. Бу мағлубиятдан сўнг султоннинг обрў-эътиборига путур етди. Гурхоннинг Мовароуннаҳрга келиш сабаби шу эди.

Шундан сўнг ғузларнинг ҳукмронлиги ҳодисаси рўй бериб, бу ҳол султоннинг қўлга олиниши ва мамлакатнинг хароб этилишига боис бўлди. Қарийб қирк минг хонадондан иборат ғуз туркманлари Хатлон¹³⁸, Чағониён¹³⁹ ва Балх¹⁴⁰ ноҳияларида ўрнашиб олишган бўлиб, амирлардан бири уларнинг устидан масъул этиб тайинланган эди. Унинг бадрафторлиги туфайли фитна (32^б) кўзгалди. Ул бечоралар хотин ва бола-чақаларини элиб, султон шафқат қилади деган умидда тазарру ва фарёд қилиб, дейишди: “Товон тариқасида юз минг динор, юз нафар хитойлик қул ва ҳар хонадондан бир ман¹⁴¹ кумуш султон даргоҳига пешкаш қилиб келтирамиз”. Султон шафқат кўргизди, бироқ бадбахт амирлар яна оламни қуйдирувчи фитнанинг ўчоғи бўлдилар. Ғузлар бутунлай ноумид бўлгач, жонжаҳдлари билан олишдилар. Султон кўшини қочишга бошлади ва султоннинг ўзи бу жамоа қўлига асир бўлиб тушди. Улар султонни ўзлари билан олиб, Марвга юриш қилдилар. Бу шаҳар хазинаю дафиналар, нафис буюмлару матоларга тўла бўлиб, унда бадавлат аҳоли шунчалик кўп эдики, сон-саногига этиб бўлмасди. Марв аҳолиси Чағрибек¹⁴² замонидан ўша давргача роҳат ва истироҳат бешигида ухлашарди. (33^а) Кофиртабиат ғузлар ер усти ва ер остидаги бирон нарсани қолдиришмади. Султонни Нишопур тарафга элиб, кўп қирғинлар қилишди. Бу ерда ер усти ва ости мол ва одамдан холи бўлиб қолди. Хуллас, тўрт йил мобайнида бутун Хуросонда ғузлар зулмидан хароб бўлмаган бирон мавзе қолмади. Бухоронинг хароб қилиниши беш юз ўттиз саккизинчи (1144) йилда рўй берди. Ниҳоят, султон қочиб, ҳалос топдию мулкнинг хароблигини кўриб, худованд раҳматига етишди. У етмиш икки йил умр кўриб, қирк

икки йил салтанат сурган. Баёнимиз ноқис бўлмаслиги учун, кези келганда сузлаб ўтдик.

СУЛТОН МУҲАММАД ХОРАЗМШОҲНИНГ МОВАРОУННАҲРГА КЕЛГАНИ ЗИКРИ

Ушбу воқеа баёни шундайки, Мовароуннаҳрнинг аён ва ашрофлари қорахитойлар ва бошқаларнинг жабру зулмидан безор бўлишган эди. Айниқса, Бухоро аҳолиси устига энг разил одамлардан бўлган бир арзонфурушнинг Санжар¹⁴³ номли ўғли (33⁶) ҳукмрон бўлиб, хурматли ва номусли арбобларни ҳақоратлаб хўрлашни ўзига табиий бир вазифа деб биларди. Султон ҳам қорахитой элчиларининг тазйик ва таҳқирларидан безор бўлган эди. Одобдан узок бўлган бу жамоа тахт устида султон билан ёнма-ён ўтиришарди. Хуллас, султон Мовароуннаҳрга лашқар тортиб, Бухорога етди. У ҳақда “Отаси арзонфуруш бўлган кимсанинг мулк ва тахтга салоҳияти йўқдир”¹⁴⁴, дейишган арзонфурушнинг ўғлини қилмишига яраша жазолади. Қорахитойлар билан ҳам қатта жанглар бўлиб ўтди. Оқибатда, фатҳу нусрат султонга насиб этиб, у “Искандари соний” (“Иккинчи Искандар”) лақабини олди. Бухоро қайтадан раванқ топиб, бу ҳол унинг обод бўлишига сабаб бўлди.

ГУРҲОННИНГ АҲВОЛИ ВА УНИНГ МОВАРОУННАҲР МУЛКИНИ ЭГАЛЛАГАНИНГ ҚИСҚАЧА ЗИКРИ

“Китоби жаҳонгирий”да келтирилишича, Гурҳон қорахитой султонларининг лақабидир. Улар аслида Хитойнинг машҳур қишиларидан бўлиб, қабила ахлидан саксон қиши қатта бир гуруҳ билан (34^а) ташқари чиқиб кетишган. Қароқурумга¹⁴⁵ етиб келишганида, улар ва қавмлар орасида жанжал чиққан. Улар яна кўчиб, Эмилга¹⁴⁶ келиб, бу ерда шаҳар бино қилишган. Турк қавмлари жам бўлиб, қирк мингга етган. Ғуболик¹⁴⁷, яъни “яхши шаҳар”да Афросиёб наслидан бир хон бор эди. У қувватсиз бўлгани учун, қарлук ва қанғли турклари қучлилиги ва қупликлари туфайли унга заҳмат етказишарди. Хон қорахитойларнинг зафар ва шавкатларидан хабар тоғғач, элчи юбориб, уларни чақирди. Гурҳон унинг илтимосига кўра, вилоятига келиб, хонлик тахтига ўтирди. Афросиёбнинг набирасини хонлик номидан турклар мулкига тайинлади. Қошғар ва

Хутанга лашкар жунатиб, уларни ишғол қилди. Бешболик¹⁴⁸ ва Қароқурум¹⁴⁹ каби қаршилиқ курсатган шаҳарларни қайта бўйсундирди. Мовароуннаҳр ва Фарғонага лашкар жунатиб, уларни ҳам ўзига тобеъ ва эл қилди. (34°) Султонлар султони Усмоннинг¹⁵⁰ аждодлари бўлган Мовароуннаҳр султонлари унинг фармони чизигига бош қўйишган. Гурхон юқорида зикр қилинган санада Самарқанд яқинида Султон Санжар билан жанг қилиб, зафар қозонди. Султон мағлуб бўлиб, Балхга кетди. Шундан сўнг Туркистон ва Мовароуннаҳрнинг кўп вилоятларини эгаллаб, ўзининг саркардаси Азбарни катта лашкар билан Хоразмга жунатди. Бу вилоятда ғоратгарлик ва киргинлар кўп бўлди. Хоразмшоҳ элчи жунатиб, итоат ва тобелик изҳор қилди ҳамда мато ва буюмлардан ташқари йилма-йил ўттиз минг динор етказиб бериш ҳақидаги аҳдноmani қабул этди. Сўнгра гурхон ўлиб, укаси унинг ўрнига ўтириб, гурхонлик лакабини олди. Султон Муҳаммад отасидан сўнг тахтга ўтириб, ўша тартибда (тўловларни) адо этди. Бу унинг табиатиغا малол келарди. Оқибатда, гурхон билан иттифоқчи бўлган Усмонхон ундан юз ўгириб, султон билан бирдамлик изҳор қилди. Султон Самарқанд хони мадади билан қўшин тортиб, унинг устидан зафар қозонди. Хонни куёвлик шарафига (35°) ноил этиб, яна охирида уни қатл қилиб, пойтахт Самарқандни бутунлай ўзиники қилиб олди, то Чингиз воқеасигача.

ЧИНГИЗХОННИНГ КАТТА ҚЎШИН БИЛАН БУХОРОГА КЕЛИШИ ҲАМДА АРК ВА ШАҲАРНИНГ ХАРОБ БЎЛГАНИ ЗИКРИ

Кодир маликнинг тақдирига кўра, мазкур хон олти юз ўн еттинчи (1220) йилда Бухоро қаршисига келиб етгач, Бухоро халқи шаҳарда мустаҳкамланиб олишди. Қоронғи тушгач, амирлар – Кўкхон, Севинчхон ва Кушлихон йигирма минг пиёда ва ўттиз минг отлик билан шабихун¹⁵¹ қилиш учун шаҳардан ташқари чиқишди. Лашкар химоячилари ва сипоҳ посбонлари хабар топиб, бу жамоа устига бостириб боришди ва ул бечораларнинг аксариятидан ному нишон қолдиришмади. Бухоро аҳли жангдан қўл тортиб, дарвозаларни очишди ва имомлар ҳамда таниқли кишилар Чингиз хизматиغا шошилдилар. (Чингиз) шаҳарни кўздан кечириш учун ичкари кирди. Жоме масжидига етгач, олий иморатни кўриб, то мақсурагача¹⁵² отда бор-

ди. Чингиз: “Бу султоннинг саройими?”. деб сўраганида, “Йўқ, бу худонинг уйи”, дейишди. У отдан тушиб: “Саҳрода ўт-ўлан қолмаган, (35^в) отларнинг қорнини тўйгазинг!”. деди. Мўғуллар оғборлар эшигини очиб, сандиклардан қуръонларни иткитиб, отларга оғур қилишди. Отларнинг жилловини уламолар қўлига тўтқазиб, ўзлари шароб ичишга машғул бўлишди ва мўғулча қуйлар қалишди. Қуръонлар варақлари ағлат орасига тушиб, ҳайвонлар тўёқлари остида топғалди. Шу пайтда, Мовароуннаҳр саййидларининг пешвоси бир мужтахиддан¹⁵³ сўради: “Мавлоно, бу қандай ҳолат?”. Жавоб берди: “Жим бўлки. Аллоҳнинг бениёзлик шамоли эсмоқда”.

Лисон ул-ғайб¹⁵⁴ айтган, шеър:

*Мо парварим душман, мо меқушим дўст
Қасро мажол нест ба чун-қаройи мо.
(Биз душманни парваришлаб, дўстни ўлдирамиз
Қимсанинг биздан нега-неқун деб сўрашга мажзоли йўқ).*

Алқисса, Чингизхон отга миниб, ийдғохга борди ва ҳозир қилинган ҳалойикка деди: “Эй жамоа, сиздан қатта гуноҳлар содир бўлди. Худованднинг ғазоби мени, яъни ўз даргоҳидаги балолардан бирини сизга қарши жўнатди. (36^а) Энди, зоҳирдаги нарсаларингиздан ташқари, биздан яширганларингизни ҳам ошқор қилинг!”. Ҳалойик бор нарсаларини берди. Азобга солиб, қийнаб, қолган нарсаларни ҳам тортиб олишди. Яна деди: “Хоразмшоҳнинг одамларини шаҳардан қувинг!”. Бу табақадан қўпчилиги халқдан паноҳ топган эдилар. Аҳволни хонга маълум қилишганида, унинг ғазоби аланғаланиб, шаҳарга ўт қўйишни буюрди. Қўпгина гузарлар ёғочдан тиклангани учун, бир қунда ёниб битди. Жоме масжиди ва пишиқ гиштдан қурилган баъзи иморатлар бутун қолди. Ёнғиндан сўнг, қалъа учун жангда Бухоро ёшларини балого қарши қалқон қилдилар. Ҳисор ағли шижоат ва мардоналик намуналарини қўрсатдилар. Ташқаридан мўғуллар манжаникларни¹⁵⁵ ҳозирлаб, қалъа тарафга тошлар отила бошлади. Қўқхон жанг майдонида ўнғдан сўлга ва сўлдан ўнғга югурар, (36^б) ҳар ҳамлада душман аскарларидан бир неча тасини улоқтириб ташларди. Мухорабакинг бир неча қуни ўтғач, хандак одам ва ҳайвон жасадларига тўлди. Арқни қаҳру ғазаб ва зўрлик билан ишғол этишди. Арқони давлат, Қўқхон ва яна қалъа ағлидан қаршилиққа қодир қимқи бўлса, барчаси-

ни шахид этдилар. Бир бухоролик ушбу воқеалардан сунг Хуросонга борганида, ундан сўрашди: “Мўғул ва тотор лашкари Бухорога келганида ҳолингиз не кечди?” У жавоб берди: “Келишди, чопишди, ёндиришди ва ташиб кетишди”. Дарҳақиқат, мўғулларнинг тажовузидан Бухорода содир бўлган воқеаларни форсийда ушбу сўзлардан қисқарок тарзда баён этиш мумкин эмас. Шу тариқа Бухоро бир қанча муддат хароб ва вайрон бўлиб, қоон¹⁵⁶ замонида соҳиб Ялавоч¹⁵⁷ саъй-ҳаракати билан қайта обод этилди.

ҚООН ВА БУХОРОНИНГ ТИКЛАНИШИ ЗИКРИ

У олий насабли хон эди. Эрон ва Турон мамлакатларини тартибга солишга ҳаракат қилиб, (37^а) Машрик тарафларни илгаридан ўзининг ихлосини зоҳир этган Маҳмуд Ялавочга, Туркистон ва Мовароуннаҳр ўлкаларини унинг ўғли Масъудбекка топширди. У мазкур вилоятга келиб, камоли ғайрат билан шаҳарларни таъмирлаш ва халқнинг осойишталигини таъминлашга киришди. Бухоро кун сайин ободликка юз тута бошлади.

БАРОҚХОННИНГ¹⁵⁸ ИСЛОМГА КИРИШИ ВА БУХОРО АҲОЛИСИНИНГ ЯНА ТАЛОН-ТАРОЖ ВА ҚИРҒИН ЭТИЛИШИ

Бароқхон ғайб илҳоми ва худо берган тавфиқ туфайли Бухоро имомлари ва ақобирларини жам қилиб, уларнинг мажлисида исломни қабул қилди. У “Султон Ғиёсиддин” лақабини олди. Унинг умри ўттиз икки йил бўлиб, салтанати олти йил давом этди. Қайдухон¹⁵⁹ фармонида кўра, заҳарлаб ўлдирилди. Бу ҳодиса олти юз олтмиш биринчи (1266) йилда¹⁶⁰ содир бўлди. Хоҳ олти, хоҳ олтмиш, хоҳ олти юз бўлсин, охири заволдир. (37^б) Мазкур хондан тўрт ўғил қолган бўлиб, каттаси Бектемур эди. Бароқхоннинг ўғиллари ва Айғуҳоннинг ўғиллари ўртасида аҳд тузилгани учун, улар иттифокликда Қайдуга қарши душманлик бошладилар. Хўжанд¹⁶¹ чегараларидан бошлаб, уларнинг зулм ва таадди ўтида қуйиб, Масъудбекнинг ҳаракати туфайли иморат ва зироатга юз тутган Мовароуннаҳр диёри икки лашкарнинг низоларидан яна узок муддатга вайронага айланди. Ҳар гал Бароқхоннинг ўғиллари мағлуб ва забун бўлишганида,

Қайдухон уларга ҳеч кулоқларига кирмайдиган ушбу калом битилган номани жунатарди: “Мулк куфр билан туради, бироқ зулм билан турмас. Салтанатдек оғир юмушда жабру ситам, зулм ва адоватдан натижа ҳосил бўлмас. Шер:

*Зади оташ шаҳрхо сӯхти.
Жаҳон доштан аз ки олухти?”
(Ут қўйиб шаҳарларни ёқдинг,
Жаҳондорликни кимдан ўргандинг?)*

Донишманд киши оқибати (38*) хатарли ва ёмон ишлардан сақланиш ва ҳазар қилишни вожиб ва лозим деб билади”.

Хулласи калом, олти юз етмиш биринчи (1272-1273) йилда Омӯя¹⁶² калъасининг нигоҳбони ва кутволи Окбек туркман Қайдухоннинг ўрдасига борди¹⁶³. Унинг гиж-гижлаши ва бадкирдорлиги туфайли Хожа Шамсиддин Муҳаммад соҳибдеворон¹⁶⁴ Абокоҳонга¹⁶⁵ шуни арз этди: “Анча муддатдан бери шаҳзодалар ва Қайдухон ўртасига низолар гилами тўшалган. Мовароуннаҳр вилояти ҳукуматиға мутасадди бўлган ҳар бир кишининг димоғи саройига ҳукмдорлик ва истибодод тутуни йўл топади. Айниқса, Бухороки, бегона лашкар у ерда қудрат касб этади ва Хуросон вилоятиға тажовуз қилади. Агар фармон бўлса, сипоҳдан бир гуруҳни ўша тарафға жунатсалар. Улар шундай қилсаларки, у диёрда аҳоли маскани қолмаса”. Подшоҳ фармон бердики, Неки ўғул бир туман лашкар билан (38*) Окбек туркман ҳамроҳлигида Бухоро тарафға жунасин. Окбекка айтди: “Агар Бухоро халки тарки ватан қилиб, Омӯя сувидан ўтишға рози бўлишса, уларға тажовуз қилма. Акс ҳолда, қатлу торож ишларини бекаму кўст бажар!”. Мазкур баҳодир ва бошқа баъзи амирлар фармонға биноан жўнаб кетдилар. Дарёдан ўтгач, Кеш ва Нахшабни бир неча бор торож этишди. Шундан сўнг Бухоро атрофиға етиб, манзил қуришди. Окбек ўзининг мулозимларидан бири, ниҳоятда кўркам ва сўзамол Лочин Бухорийни бир неча мўғул навқари билан шаҳарға жунатиб, шундай хабар юборди: “Абокоҳоннинг фармони шуки, Бухоро халқи аҳлу аёли ва молу мулкини олиб, Хуросон сари жунасинлар!”. Лочин элчиликни адо этгач, шаҳарнинг бебош ва безорилари ўша пайтда Масъудбек тарафидан (39*) муҳим ишларни бажаришға машғул бўлган Садри жаҳон билан келишмай туриб, уни ўлдиришди. Мўғул навқари қайтиб бориб, Окбекни буюкеадан

хабардор килди. Окбек ўзи Бухорога жунади. Бухороликлар дарвозаларни ёпиб, каршилиқ кўрсатишга ҳозирландилар. Бир кунлик жангдан сўнг, Садри жаҳон сулҳни маъқул қуриб, Окбекнинг Ҳинду номли ўғай ўғли ишғол этишга тайинланган дарвозани очди. Лашкар шаҳарга бостириб кириб, катл ва ғорат қилмоққа киришди. Қон дарёлари оқа бошлади. Бухоро мадрасаларининг энг йириги ва ҳашаматлиси бўлган Масъудбек мадрасасига ўт қўйишди. Бу мадраса ва унда сақланаётган нафис китоблардан қулдан бошқа ҳеч нарса қолмади. Қарийб эллик минг йигит ва кизни асирга олишди. Шу аснода, Бухорода Айғунинг ўғиллари лашкар билан келаётгани хақидаги хабар ёйилди. Окбек моллар ва асирларни олиб, дарё тарафга отланди. (39^а) Йўлда Айғунинг ўғиллари етиб, бу журъат ва катлу ғоратнинг сабабини сўрадилар. Окбек уларга Абокохоннинг ёрлиғини кўрсатди. Айғунинг ўғиллари совға тариқасида асирлардан бир гуруҳини ва молдан бир микдорини амирлардан олишди. Окбек золим ва Неки шумқадам қайтиб кетишгач, кулфатзадаларнинг қолган-қутгани ҳар тараф бурчаклардан чиқиб келиб, бир нави иморат ва зироатга машғул бўлишди. Шаҳар қайтадан тикланиб, ободон бўлди. Олти юз етмиш тўртинчи (1275-1276) йилда барокийлар (Барокхон авлодлари) Бухорода дахшатли ёнғин содир этишди. Ҳар қимда бир динор ва бир ман ғалла борлигини билишса, мусодара этишди ва озик-овкат ҳамда тушак-бўйрадан ному нишон қолмади. Етти йилгача бу ҳудуд ва манзил инсон ва ҳайвондан холи бўлди. Шунда Қайдухон ҳукм қилдики, Масъудбек ибн Маҳмуд Ялавоч ул вайрон бўлган мавзеларни обод этишга сарф қилсин. У фаҳму идрок ва камоли фаросат билан (40^а) тарқаб кетган раиятларни йиғиб, уларга тасалли берди. Масъудбекнинг инсоф ва адолати шарофатидан шаҳар яна ободликка юз тутди. Бухоро шариф ва фозил кишилар ҳамда уламолар масканига айланди. Бухоро мамлақати кун сайин раванқ топиб, тўрт тарафдан қочиб кетганлар ўз ватанига қайта бошладилар.

АБДУЛАЗИЗХОН ИБН САЙИД МУҲАММАД НАДРХОНДАН¹⁶⁶ ҚОЛГАН ЁДГОРЛИКЛАР ЗИКРИ

Наққорахона¹⁶⁷ ва Бухоройи шариф арки дарвозахонаси тепасидаги панжара.

СУБҲОНҚУЛИХОН ВАЛАДИ САЙИД НАДР МУҲАММАДХОНДАН¹⁶⁸ ҚОЛГАН ЁДГОРЛИКЛАР ЗИКРИ

Арқ саҳнидаги у киши қурдирган иморатлар: қуринишхона, меҳмонхона ва тепадаги жоме масжиди. Ул жанобнинг хайрияи жорияси ёдгорликлари: хонақоҳ, айвон, арқ рўпарасидаги ҳовуз ва “Дор уш-шифо” мадрасаси.

“АМИРИ САЪИД” ЛАҚАБЛИ АМИР ҲАЙДАРДАН¹⁶⁹ ҚОЛГАН ЁДГОРЛИКЛАР ЗИКРИ

Қатта хонақоҳ ул кишининг хайрия иморатлари билан бўлиб, хамиша соҳиби сулук тўрт олим, имом ва муаззин (40^б) ҳамда жаноб Амири саъид ўша хонақоҳнинг ҳужраларида тунги ибодат ва кундузги зикрга машғул бўлишарди. Доимо асрдан сўнг, хонақоҳ қошида йигирма нафар толиби илм билан суҳбат қуриб, азиз умрини беҳуда ўтказмасди. Шу мазмундаки:

*Ҳар як нафас ки меравад аз умр гуҳарист,
К-онро хирожи мулки ду олам бувад баҳо.
(Умрдан ўтган ҳар нафас гавҳардир
Унинг баҳоси икки олам мулкининг хирожидир).*

Яна мазкур хонақоҳ қошидаги қудуқ бўлиб, шу атрофдаги гулзорни ундан сув олиб суғоришган. Шунингдек, жанг ва камал¹⁷⁰ пайтларида сувга муҳтожлик бўлмаслиги учун Лисак ҳовузидан¹⁷¹ унга (қудуққа) йўл бўлиб, зарурат бўлганда очиларди. Яна бу гулзордан бошқа, Чаҳор чаман номли боғча бўлиб, ҳазрат Амири саъид аксар вақт бу ерда ҳарам аҳли билан сайр ва кўнгилхушлиқ қиларди. Унга лозим сув қарши тарафдаги арқ девори яқинидаги сув сақланадиган ҳовуздан чархпалак ёрдамида чиқариларди.

(41^а) Билмоқ лозимки, улуг амир Шохмуродхон¹⁷² раҳматуллоҳу алайҳи ўз салтанати даврида ўтмиш султонлари асрлар мобайнида қанча микдорда салтанат иморатлари қурдирган бўлса, етарличасини қолдириб, қолганини бўздириб, шаҳар ичкараси ва ташқарисидаги масжидларга ишлатди.

Салтанат иморатлари қурилишининг бошланиши Амири саъид давридан бу замонга қадардир. Чунончи, бу жаноб машхур Раҳимхон¹⁷³ саройи ёнида олд тарафи қиблага қараган бйр меҳмонхона солдирди.

Амир Насруллох¹⁷⁴ <қабри нурга тўлгур> ўз замонида Раҳимхон саройининг рўпарасида тош ертўлали меҳмонхона солдирди. Бу икки азизнинг истикоматгоҳи шу ерда ва кўпинча Раҳимхон саройида эди.

Яна кичик деразали кўплаб иморатлар. Булар ҳазрат амир Музаффархон¹⁷⁵ <қабри нурга тўлгур>нинг давлати айёмида бино қилинган. Русия элчилари келиб кетганидан сўнг, шундай тоифаларни қабул қилиш учун яхши ва гўзал иморатлар қуришни буюрди.

Яна амир Абдулахад¹⁷⁶ <Аллох афв этгур>нинг иморат ва ёдгорликлари. (41⁶) Тош кўрхона учун махсус қурилган бир неча бино унинг замонидан ёдгордир. Чилдухтарон масжиди Муҳаммад Раҳимхоннинг хайрия ёдгорликларидандир. Чилдухтарон масжиди ёнида бир гўмбаз ва қабр бўлиб, уни Саййид Абдол Ғозийга нисбат беришади. Ул жаноб ҳазрат имом Муҳаммад Ҳанафия ибн амир ал-муъминин Али қаррамаллоху ваҷҳаҳунинг авлодидандир.

Яна улар ёнида катта қабр бўлиб, у ерга Абулфайзхоннинг¹⁷⁷ етти нафар ўғли қўйилган. Оталарининг амрига кўра қатл этилиб, қабрлари бир жойда ва “Ҳафт султон” номи билан машхурдир.

Яна мазкур кўрхонада “Ғазаб қудуғи” мавжуд бўлиб, гуноҳкор ва бегуноҳ қатл этилганлар жасаdlари унга ташланган.

Бухоронинг хароб ва обод этилишига оид шу қадар кузатиш ва текширишлар жам қилинди. Аён бўлсинки, Сомонийлар салтанати зикридан сўнг, навбати билан Бухорода (42⁹) салтанат сурган ва уни пойтахт қилган султонлар тоифаси ҳақида муфассал маълумотлар топа олмадим. Эҳтимол, Чингизийларнинг тажовузи, қирғин, ғорат ва ёнғинлари натижасида қуйиб кетиб, нобуд бўлгандир. Бунинг устига. Салжукийлар, Чингизийлар ва Темурийлар даврида бир қанча муддат бу ерда ҳокимлар қўйилиб, пойтахт Самарқанд бўлган. Убайдуллохон¹⁷⁸ Бухорони Бобур подшоҳдан тортиб олган вақтдан бошлаб, то ҳозирги кунгача султонлар мунтазам равишда Бухорои шарифни пойтахт қилишган. Чунончи, Бухоро фатҳ этилгач, Убайдуллохоннинг

икки амакисидан бири Самаркандга, бошқаси Балхга бориб, соҳиб бўлишган. Хон одоб ва саховат юзасидан уларнинг юзига оёқ босмади. Шундан сўнг, то Абдуллахон ибн Искандархон¹⁷⁹ давригача уларнинг авлодлари ўша икки вилоятда ҳукм суришди. Абдулмўмин ибн Абдуллахон¹⁸⁰ Балх султонлари жамоасини қатл этиб, ўзи ўша жойда ўрнашиб олди. (42⁶) Самарканд султонларининг охиргиси Абу Саъид султоннинг вафотидан кейин, Абдуллахон Самаркандни ўз ҳукмронлиги доирасига киритиб, унинг бир ёшли ўглини қатл этди. Ҳазрат азизон Қосим шайх¹⁸¹ Кармина¹⁸² хонақоҳида ғайб олами сирларини англаб, кўз ёшидан сўнг, (Абдуллахонга) деди: "Абдулмўмин қатл этилганда, каерда бўласан?"¹⁸³

Алқисса, Самарканд ва Бухоро бир хонликнинг пойтахтлари бўлди. Ишқал ва шубҳаларни бартараф қилиш учун ишора этиб ўтдик. Рисола тугади. 1340 (1921-1922) йил.

ИЗОҲЛАР

- ¹ Бу ўринда муаллиф чавгон уйинига ухшатиш килмоқда.
- ² Бу ўринда рисола номи узунрок бўлса-да, қўлзманинг 3^а варағида муаллиф ўз асари номи “Тахкиоти арки Бухоро” эканини таъкидлайди.
- ³ Гарчанд муаллиф “Тарих анжумани” аъзолари сони етти нафарлигини айтса-да, асарда фақат олти кишининг номи келтирилган.
- ⁴ Абдурауф Фитрат (1886-1937) – буюк ўзбек адиби ва олими.
- ⁵ Мир Мухаммад Сиддик “Ҳишмаг” ибн амир Музаффар (1862-1927) – “Тахкиоти арки Бухоро” асари муаллифининг укаси. Ўзи ҳам форс тилида битилган бир неча асарлар муаллифидир.
- ⁶ Мухаммад Шариф Садри Зиё (1865-1932) – давлат арбоби, олим ва адиб. Форс тилидаги бир неча асарлар муаллифи.
- ⁷ Мирзо Мухаммад Салимбек (1850-1936) – форс тилида битилган “Тарихи Салимий” ва бошқа бир қанча асарлар муаллифи. Бухоро амирлигида турли вазифаларда ишлаган.
- ⁸ Масофа улчови бўлиб, тахминан 6 км га тенг.
- ⁹ Бухоро вилоятидаги қадимий шаҳар.
- ¹⁰ Ҳозирги Амударё.
- ¹¹ Сомонийлар сулоласи Мовароуннаҳрда IX асрнинг сунгги чорағи ва бутун X аср мобайнида ҳукмронлик қилган.
- ¹² Ёқут ал-Ҳамавийнинг (1179-1229) араб тилида ёзилган машҳур асари.
- ¹³ Қадимги юнон олими Птоломей Клавдий (ваф. 170 й.) Шарқда шундай аталган.
- ¹⁴ Ёқутнинг “Муъжам ул-булдон” китобида “Малҳама” Птоломей асари сифатида қайд этилса-да, юнон олими меросида у учрамайди. Тадқиқотчилар фикрига қўра, “Малҳама” Птоломейнинг “Алмагест” ё, эҳтимол, “География” асарининг бир қисми бўлиши мумкин.
- ¹⁵ Жазоир Холидот – Холидот ороллари. Ўрта асрларда географик узунликларни ўлчаш учун қабул қилинган бошланғич меридиан ўтган жой, тахминан ҳозирги Азор оролларига тўғри келади.
- ¹⁶ Экватор чизиғи.
- ¹⁷ Луғавий маъноси “қозик”. Астрологик атама сифатида эклиптиканинг шаҳар горизонти ва меридиани билан кесишиш нуқтасини англатади.
- ¹⁸ Ўрта асрлар географи Абу Зайд б. Саҳл Балхий (850-934) асари.
- ¹⁹ Авҳадиддин Анварий (ваф. тахм. 1190) – Салжукийлар даврида яшаган қасидагўй шоир.
- ²⁰ Ҳижрий шамсий йилнинг тўртинчи ойи.
- ²¹ Нумижкент ёки Нумижкат – ўрта асрлар манбаларининг маълумотида, аслида Бухорога яқин, лекин ундан алоҳида бир шаҳар бўлиб, сўнгра бу икки шаҳар бир-бирига қўшилиб кетган.
- ²² Асли эронлик бўлиб, Мухаммад пайғамбарнинг саҳобаларидандир. 655 йилда вафот этган.

²³ Махмуд ибн Умар Замахшарий (1075-1144)нинг Куръон тафсирига бағишланган “Ал-Қашшоф ан ҳақойик ит-танзийл ва уйун ил-ақовийл фи вужух ит-таъвийл” (“Куръон ҳақиқатлари ва уни шарҳлаш орқали сўзлар қўзларини очиш”) асарининг қисқача номланиши.

²⁴ Муаллиф ушбу ҳадисни олдин араб тилида келтириб, сўнг унинг форсий таржимасини илова қилган.

²⁵ Байканд (Пайканд) – қадимий шаҳар. Вайроналари Бухоро вилоятининг Қорақўл тумани ҳудудида сақланиб қолган.

²⁶ “Тарихи Наршахий” асарида “Қарожурин турк” тарзида келтирилган. Абу Бақр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. “Тарихи Наршахий”. Бухоро, 1904, 7-бет.

²⁷ “Тарихи Наршахий”да “Баёғузо” тарзида келтирилган. Уша асар, 7-бет.

²⁸ Баъзи тадқиқотчилар фикрига кўра, “Шери Кишвар” ушбу маънодаги туркий “Эларслон” номининг форсий калькасидир.

²⁹ Бу исм қўлёзма матнида гоҳ “Кайковус” ва гоҳ “Ковус” шаклида ёзилган бўлиб, биз барча ҳолларда тулик шаклини келтирлик.

³⁰ Фирдавсий “Шоҳнома” сининг бош қаҳрамони.

³¹ Шимолий Афғонистондаги қадимий шаҳар бўлиб, ҳаробалари ҳозирги Мазори Шариф яқинидадир.

³² Фирдавсий “Шоҳнома” сида қадимги Эрон шоҳлари байроғи шундай аталган. Ривоятларга кўра, мустабил Захҳокнинг тахтдан ағдарилиши ва Фаридуннинг тахтга ўтиришида катта хизматлар қилган темирчи Кова ўз чарм пешбандини найзага илиб, байрок ясади. Бу байрокни Кованинг номи билан “ковиёний байрок” деб аташган.

³³ Шаркий Эрондаги вилоят.

³⁴ Ҳофизи Абрӯ (1361-1430) – Темурийлар даври муаррихи. Тарих ва географияга оид бир неча асарлар яратган.

³⁵ Муаллиф ушбу мавзе Сиевүш дафн этилгач машҳур бўлиб кетганига ишора этмоқда.

³⁶ Зардуштийлик дини руҳонийси ва умуман, шу динга эътиқод килувчилар.

³⁷ Шаркий Эрондаги вилоят.

³⁸ Рустамнинг отаси Золнинг лақаби “Достон” эди. Демак, “Рустами Достон” Достоннинг ўгли Рустам маъносидадир.

³⁹ Қўлёзма матнида “Бандун” шаклида берилган. Аксарият манбалар ва замонавий тарих китобларида “Бидун” шаклида келади ва биз шунга риоя қилдик.

⁴⁰ Юлдузлар туркуми номи бўлиб, ўзбекча “Етти қароқчи” деб аталади.

⁴¹ Муслмон йил ҳисобининг бошланиши бўлиб, милодий 622 йилга тўғри келади.

